

Махмудхон Усмон

# МАБДАЪУЛ ЭЪРОБ

مبداً العراب

I

КИТОБ

Эъроб  
асослари

1-мабдаъул  
-қироат китоби  
асосида таркиб  
ва қоидалар

Махмуджон Усмон

مبدأ الإعجاب

Мабдаъул-эъроб

«1»

*Эъроб асослари*

**1-мабдаъул-кироат  
китоби асосида  
таркиб ва қоидалар**

Duolaringizda bizni ham unutmanglar birodarlar.  
Alloh hammamiz Sirotolmustaqimda bo'lishligimizni nasib qilsin  
va ilmimizni ziyoda qilsin . Va bu kitob Alloh yo'lida yaxshilikka  
hizmat qilsin . Allohim Amin.

Bu kitobdagi buklanishlar va qiyshiqliklar  
o'qishingizga halaqit bermaydi InshaAlooh.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Маҳмудхон Усмон домланинг

“Мабдаъул эъроб” китобиغا

ТАҚРИЗ

Халқимиз орасида шайх Сунъатуллоҳ Бекпўлат ҳазратларининг “Мабдаъул қироат” китоби араб тилини ўрганишда асосий қўлланма сифатида маълум ва машҳур. Мазкур китоб асосида Маҳмудхон Усмон домланинг “Мабдаъул эъроб” (эъроб асослари) китоби таркиб қоидаларини ўрганишда алоҳида таҳсинга сазовор китоб бўлибди. Албатта, араб тилини ўрганишда сарф ва наҳв илмларининг ўрни ва аҳамияти катта. Аммо наҳв қоидаларини қўллай билиш ўқувчидан алоҳида зеҳну заковат талаб қилади.

Ҳозирги кунда аждодларимиз илмий меросини ўрганиш учун кенг имконият эшиклари очилган бир пайт ҳисобланади. Араб тилида ёзилган ушбу китобни ўрганиш, тадқиқ қилиш ва халқимизга етказишда илм аҳлларини ҳамда улар томонидан ёзилган китоб ва қўлланмаларнинг ўрни беқиёс. Узоқ йиллик тажрибалар шуни кўрсатадики, араб тилини таркиб қоидалари билан ўрганиш ўқувчи учун ўта манфаатли ҳисобланади. Унинг зеҳнига мустаҳкам ўрнашади. Шу маънода Маҳмудхон Усмон домланинг араб тили грамматикаси ва унинг қўлланишига доир “Мабдаъул эъроб” (эъроб асослари) китоби хайрли ишларнинг

дебочаси ва асосий пойдевори бўлган десак, нур устига нур бўлади.

Ҳар бир араб тилини ўрганмоқчи бўлган ўқувчига тавсия шуки, сарф ва наҳви ўрганишда, албатта таркиб қоидалари билан ўрганилса тил мукамал ўзлаштирилади ва кўзланган мақсадга етилади.

Аллоҳ Таолодан мазкур китобни халқимиз, айниқса, ўқувчи ёшларимиз учун хайрли ва баракотли бўлишини сўраб қоламиз.

**Ибодуллоҳ Аҳроров,**  
Имом Бухорий номидаги  
Тошкент Ислом институти  
“Тиллар” кафедраси  
катта ўқитувчиси



## Муқаддима

*Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.*

*Ассалому алайкум азиз ўқувчи!*

Инсонни барча махлуқотдан афзал ва мукаммал қилиб яратган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин, ҳамда пайғамбаримиз ҳазрат Муҳаммад мустафо (соллолоху алайҳи васаллам)га дуо ва саловатларимиз бўлсин!

Бу қоида китобчани дунёга қелишига марҳум шайх Сунъатуллоҳ Бекпўлат ҳазратларининг машҳур ва маълум китоблари бўлмиш «Мабдаъул қироат» китобларидаги ҳар бир дарснинг тагига «ўргатилсин» деб қилган устозлик ишоралари ҳамда мухлисларнинг талаблари эса унинг кўпайишига сабабчи бўлди.

«Мабдаъул қироат» китобини ушбу қоида билан бирга ўргатилса яхши самара беришлиги тажрибада исботланди.

Бу ўқитиш услуби-йўналиши янги бўлганлиги учун қандай ўқитиш кераклигини айтиб ўтамиз.

Аввалам бор «Мабдаъул қироат» китобининг нусхаси ҳар хил бўлиб кетди, бизга маъқул бўлгани шайх ўз қўллари билан татар тилида араб имлосида ёзган «Мабдаъул қироат»нинг асл нусхасидир.

Чунки бошқа нусхаларининг пати юлинган, кераксиз пардозлар берилган. Ўқувчининг қўлида учта дафтар бўлиши зарур:

1-луғатга


2-қоидага

3-таркибга

Таркиб дафтарга "Мабдаъул қироат" китобидаги ҳар бир олинадиган дарс тўлиқ кўчирилади, таркиби ва таржимаси ўқитувчи айтиб берганидек уйда мустақил тўлиқ ёзилади.

Масалан: Қуйидагича

هَذَا كِتَابٌ هَذَا مِنْطَرٌ



Бу чизғич. Бу китоб.

Дарсни ўқувчи китобдан топширади, ўқитувчи унинг ёзган таркиб дафтарини кузатиб боради. Ўқувчи дарс топширишда учта ишга амал қилади.

1. **арабий иборани ўқийди.**
2. **таржима қилади.**
3. **таркибини айтиб беради.**

Китобдаги қоидалар пухта ёдланади, китоб тугаганда қоидани бошидан охиригача ёддан айтиб бериши шарт. "Мабдаъул қироат"даги ҳар бир "янгиликни" мазкур китобда очиқ, равшан тушунтирилган, шунинг учун-дарс бошлашда қоида китобдаги олинадиган қоида пухта ўргатилади, сўнг "Мабдаъул қироат" китобидаги ўша дарсга мурожаат

қилинади. "Мабдаъул қироат" олдинда, қоида орқада кетса мақсадга мувофиқ бўлмайди. Яъни, бу икки китоб Мабдауъл эъроб ва Мабдаъул қироат ҳар бир дарсда бирга кетиши керак.

Учала "Мабдаъул қироат" ҳақида қисқача сўз.

Баъзилар "Бу учта "Мабдаъул қироат" китобида на Қуръондан ва на ҳадисдан ва на фикҳдан сўз бор, бунда фақат ҳикоялар ва шеърлар бор, буларни ўқимаслик керак" — дейдиган айбловчилар ҳам учраб турибди. Улардан Аллоҳ рози бўлсин, уларга жавобимиз қуйидагича.

Азиз биродар бизга бу учта "Мабдаъул қироат" китоби катта илм мехмонхонасига олиб чиқадиган зинапоялардир.

Илм мехмонхонасидаги сиз айтган ноз-неъматлар (Қуръон, ҳадис) зинапояда бўлмайди; Бошқача қилиб айтганда моҳир сартарош устарани бошланғич шогирдининг қўлига ушлатиб қўймайди, вақти келганда устарани ушлашни ўргатади.

Биз бу китобларни "зинапоя" дедик, лекин ҳар бир китобнинг ичидаги ҳар бир дарснинг жумлалари ҳам зинапоя услубида ёзилган, яъни секинлик билан янги қоидалар қўшилиб мураккаблашиб бораверади. Натижада бу қоидаларни тушунтириш учун ёзилган бизнинг қоида китобимиз ҳам ўз-ўзидан зинапоя услубида ёзилди. Қайси дарсда қоида келмаган бўлса, биз уни ўқувчи уйда ўзи тайёрлаб келадиган "мустақил дарс" қилдик, бу мустақил дарсни ҳам ўқитувчига топширади. Қоида китобда келган "нозик маъно"ларни ўқувчининг онгига тўғри етказа олганлиги учун ҳурматли муаллимларга

جزاكم الله خيرا كثيرا

деймиз.

Бу қоидада баъзи бир нуқсонлар бўлса албатта улар менинг нуқсонларим бўлади. Тўғри етказа олган бўлсам, бу Ёлғиз Яратганнинг марҳаматидан бўлади.

Аллоҳим сен кечиргувчи Зотсан, мени ва бизни гуноҳларимизни кечиргин.

Бу китобдан ҳосил бўлган савобни биз фарзандларини гўдаклигимиздан ҳар доим саҳарларда ўйғотиб кўлимизга китоб ушлатган, динни, иймонни, Аллоҳни танитган, намозни ўз вақтида ўқишни қон қонимизга сингдирган ҳақиқий асил устозим Падари бузрукворим Дадам (Усмонхон Эшонбобо)га ва меҳрибоним Онам (Муҳтарама аям)га бағишлайман.

**Аллоҳим уларнинг гуноҳларини кечиргин, ётган жойларини нурга тўлдириб жаннат боғчаларидан қилгин ҳамда Фирдавс жаннатингдан жой ато этгин Аллоҳим!**

Сенгагина сиғинамиз ва Сендангина ёрдам сўраймиз, бизни тўғри йўлга бошлагин. (Амин).

**Муаллиф**



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

1 - Дарс

1 - бўлим

Ҳарфдан то жумлагача

Араб тилида ҳарфнинг оғиздан чиққан оҳангига "хижо" дейилади, ҳижонинг ёзувдаги кўринишига ҳарф дейилади.

Масалан: **قَلَمٌ** учта ҳижо билан айтилади ва учта ҳарф билан ёзилади.

Ҳарфларни тўғри талаффуз қилиб уларни бир бирига уриштиришликни бизда "ҳижжа"лаб ўқиш дейилади, аслида у "ҳижо"лаб ўқишдир.

Араб тилида 28 та ҳарф бор, булар "Ҳуруфу ҳижо"деб айтилади, яъни тўғри талаффуз қилинган ҳарфлар.

Ўзбек тилидаги ҳар бир "сўз"га араб тилида "калима" дейилади.

Калима бир ҳарфдан етти ҳарфгача бўлиши мумкин.

Масалан: **بِ ، مَنْ ، قَلَمٌ ، كِتَابٌ ، مَحْمُودٌ ، اجْتِهَادٌ ، اسْتِعْمَالٌ**

Калиманинг ўзи уч қисмга бўлинади: **исм, феъл ва ҳарф.**

**Исм** деб ўзида мустақил маънога эга бўлган калимага айтилади. Масалан: **китоб, қалам** каби.

**Феъл** деб ўзида мустақил маънога эга бўлишдан ташқари бирор замонга ҳам далолат қилади.

Масалан: **ўқияпман, ёдлаяпман** каби.

Харф деб ўзида мустақил бўлак бўла олмаган кўмакчи, боғловчи сўзлардир.

*Масалан:* биздаги "да", "га", "дан" қўшимчалари каби (ب، إلى، على، في) кабилардир.

Ўзбек тилида бир нечта "сўз"дан "гап" тузилганидек араб тилида ҳам бир нечта калимадан гап тузилади, бу тузилган "гап"га "калом" ёки "жумла" дейилади.

*Масалан:* "бу китоб чиройли".

Бу ерда "бу" алоҳида "китоб" алоҳида, "чиройли" алоҳида мустақил учта сўз, уларни қўшиб битта гап тузилган, демак бу ерда учта калимадан битта "жумла" тузилган.

## 2 - бўлим

### Мубтадо ҳақида

Араб тилида бирор жумла исм билан бошланса, бу исмга "мубтадо" дейилади, мубтадодан кейин келади-ган калима ёки жумлага "хабар" дейилади.

*Масалан:* Муҳаммад мактабга кетди.

Бу ерда Муҳаммад мубтадо, "мактабга кетди" жумласи эса Муҳаммаддан хабар берганлиги учун "хабар" дейилади.

Араб тилида атоқли ва таниқли исмларга "маърифа" дейилади.

*Масалан:* Шаҳарларнинг номлари, одамларнинг исмлари каби.

Ноаниқ исмга эса "накра" дейилади.

Агар **накра** исмнинг олдида "ال" келса бу исм ҳам маърифа бўлади.

*Масалан:*

قَلَمٌ - накра      الْقَلَمُ - маърифадир

Маърифа исмлар олти турлидир.

1. "Алам" яъни атоқли от Муҳаммад, Аҳмад каби.  
Ёки шаҳарларнинг номи Макка, Мадина каби.
2. "Замир" яъни кишилик олмоши أَنَا أَنْتَ هُوَ каби.
3. Исми ишора" яъни кўрсаткич олмош هَذَا каби.
4. "Исм мафсула" яъни нисбий олмош الذى التى каби.
5. مَعْرَفٌ بِأَنْ لِي ISM الْقَلَمُ ، الْكِتَابُ каби.
6. مَعْرَفٌ بِالْإِضَافَةِ яъни икки исмнинг кўшилишидан ҳосил бўлган маърифа исм "Маҳмуднинг қалами"даги "қалам" каби.

Мубтадо фақат ушбу 6 та маърифа исмлардангина ясалади, накра исмдан мубтадо ясалмайди.

Араб тилида эркак кишига ишлатиладиган лафзга "музаккар", аёл кишига ишлатиладиган лафзга "муаннас" деб айтилади.

"Мубтадо хабар" мана шу музаккар муаннасликда бир хил бўлишлиги шарт.

Масалан: мубтадо музаккар бўлса, хабар ҳам музаккар, мубтадо муаннас бўлса хабар ҳам муаннас бўлади.

### 3 – бўлим

#### Мубтадо ва роф, насб, жор ҳақида

Араб тилида бирлик, иккилик, кўплик кўринишларига "муфрад", "тасния", "жам" деб аталади.

**муфрад** - бирлик

**тасния** - иккилик

**жам** - кўплик

Мубтадо хабар мана шу муфрад, тасния, жамликда ҳам бир хил бўлишлиги шарт.

**Масалан:** мубтадо муфрад бўлса хабар ҳам муфрад, тасния бўлса хабар ҳам тасния, жам бўлса хабар ҳам жам бўлади.

Араб тилида исмларнинг охириги ҳарфининг ҳаракати уч хил бўлади.

**Масалан:**

роф ُ жор ِ

роф مُحَمَّدُ الْقَلَمُ

насб مُحَمَّدٌ الْقَلَمُ

жор مُحَمَّدٍ الْقَلَمِ

Охирида роф ُ аломати бўлган калималарга "марфуъотлар".

Охирида насб ٌ аломати бўлган калималарга "мансуботлар".

Охирида жор ِ аломати бўлган калималарга "мажруротлар" деб айтилади.

**Эслатма:** мубтадо хабар доимо роф бўлиб марфуъотлар туркумига киради, яъни буларнинг ўрни марфуъдир.

هَذَا - аниқ нарсага ишора; қилинганлиги учун маърифадир, мана шу ишора қилинганлиги сабабли هَذَا га исми ишора деб айтилади.

**Исм ишораларнинг умумий кўриниши:**

هَذَا هَذَانِ هَؤُلَاءِ музаккар

هَذِهِ هَاتَانِ هَؤُلَاءِ муаннас

## 4 - бўлим

### Истифҳом ҳақида

Араб тилида сўрашлик аломатига "истифҳом", сўралган нарсага эса "мустафҳам" дейилади.

Истифҳом доимо жумланинг бошида келади.

"Аَيْنَ" қаерда" истифҳомлик ва зарфиятлик аломати бўлганлигидан мубтадодан олдин келишлиги шарт.

Мубтадо эса ўрнини унга бўшатиб беришликка мажбур.

Масалан: **اللَّوْحُ** эди, яъни **اللَّوْحُ كَانَ أَيْنَ** аслида **أَيْنَ اللَّوْحُ** мубтадо, **كَانَ أَيْنَ** жумласи эса хабар эди, аслида хабар бўлган **أَيْنَ** мубтадодан олдинга ўтганлиги учун "хабари муқаддам", мубтадо эса орқада қолганлиги учун "мубтадои муаххар" дейилади. **أَيْنَ** олдинга ўтгандан кейин **كَانَ** тушиб қолган, натижада **اللَّوْحُ أَيْنَ** кўринишини олган демек **أَيْنَ** хабари муқаддам **اللَّوْحُ** эса мубтадои муаххар, яъни мубтадо билан хабарни ўрни алмашган.

Араб тилида алиф лом билан танвин бир калимада жамланмайди яъни бир исмда танвин келса унда алиф лом келмайди.

Масалан: дарсимиздаги **كِتَابٌ، مِسْطَرٌ** каби:

Алиф лом келса танвинсиз ўқилади.

Масалан:

**الْكِتَابُ، الْمِسْطَرُ** каби.

Эслатма: зарф деб замон ва маконга далолат қилган калимага айтилади.

Масалан: қачон, қаерда каби. "қачон" "зарфи замон" "қаерда" "зарфи макон" бўлади.

## 5- бўлим

### Феъл ва фоил ҳақида

Қилинадиган бажариладиган иш ҳаракатга "феъл" деб аталади. Феъл ўзбек тилида учта замонга бўлинади.

- 1) **ўтган замон**
- 2) **ҳозирги замон**
- 3) **келаси замон**

Масалан: ўқидим - ўтган замон феъли  
ўқияпман - ҳозирги замон феъли  
ўқийман - келаси замон феъли

Араб тилида эса "феъл" икки қисмга бўлинади.

**1. Мозий феъли (ўтган замон феъли)**

**2. Музореъ феъли (ҳозирги ва келаси замон феълларини ўз ичига олади)**

Ҳар бир феълнинг қилувчиси унинг бажарувчиси яъни шу феълнинг эгаси бўлади. Араб тилида феълнинг мана шу бажарувчисига "фоил" деб айтилади.

Масалан: "Ўқидим" феълининг бажарувчиси "мен" бўлганлигим учун "фоили" мен бўламан.

Фоил баъзи вақт феълнинг олдида очиқ, ошкор келади, баъзи вақт феълнинг ўзида яширин бўлиб келади.

Масалан: "Ўқидим" феълининг ўзида яширин "мен" фоили бор.

6 - бўлим

Мафъул ҳақида

Фоилнинг иш ҳаракати бирор нарсанинг устига тушса, ёки феъл ўша нарсанинг устида бажарилса бу нарсага "мафъул" дейилади, яъни қилинган нарса дегани.

Масалан: дарсимиздаги **خُذِ الْقَلَمَ** қаламни ол каби, бунинг таркиби қуйидагича: **خُذْ** - феъли амр яъни буйруқ феъли, ўзида мустатир (махфий), яъни яширинган **أَنْتَ** - сен фоили бор **الْقَلَمَ** - эса мафъулдир. Яъни фоилнинг "олиш" иш ҳаракати қаламнинг устига тушган ва қалам мафъул бўлган.

Араб тилида сокинга ҳаракат берилса касра ҳаракати берилади.

Масалан: **خُذِ الْقَلَمَ** - аслида **خُذِ الْقَلَمَ** - эди.

Араб тилидан ўзбек тилига таржима қилинганда исмдан бошлаб феъл билан тугатилади.

Масалан: "қаламни ол" каби.

**Эслатма:** мафъуллар охирида насб аломати бўлган калималардан бўлиб "мансуботлар" дандир.

Араб тилида **ما** ҳарфлари бир неча турли бўлиб, дарсимиздаги **ما** - га "мой исмия" деб аталади. Исмия бўлганлиги учун, ҳамда ўзидан кейин маърифа исм келганлиги учун "хабари муқаддам", маърифа исм эса "мубтадаи муаххар" бўлади.

Масалан: **ما هَذَا** бу нима? Бу ерда **ما** хабари муқаддам **هَذَا** эса мубтадаи муаххар.

Араб тилида баъзи вақт мубтадо тушиб қолиб хабарни ўзи келади, бу тушиб қолишга "махзуф" дейилади, яъни тушиб қолган дегани.

Масалан: **هَذَا كُرَّاسٌ - ما هَذَا؟ - كُرَّاسٌ** эди.

Демак: **هَذَا كُرَّاسٌ** махзуф **هَذَا** мубтадосига хабар.

2 - Дарс

1 - бўлим  
Изофа ҳақида

Араб тилида иккита исм қўшилиб бир исмга айланишига "изофа" дейилади, бу икки исмнинг биринчисига "музоф" иккинчисига "музофун илайх" дейилади.

Масалан: **مَقْعَدُ التَّلْمِيزِ** ўқувчининг ўтирадиган ўрни "парта", бундаги: **مَقْعَدُ** ўзи алоҳида исм яъни "ўриндиқ" дегани **التَّلْمِيزِ** ҳам алоҳида исм "ўқувчи" дегани. Булар иккаласи қўшилиб **مَقْعَدُ التَّلْمِيزِ** - "ўқувчининг ўтирадиган ўрни" деган бир исмга айланди. Бу ерда **مَقْعَدُ** музоф **التَّلْمِيزِ** - эса музофун илайхдир.

Музоф ҳеч қачон алиф ломни ҳам танвинни ҳам қабул қилмайди.

Масалан: **مَقْعَدُ** каби бунда **ال** ҳам танвин ҳам йўқ. Музофун илайх эса **ال** ни ҳам танвинни ҳам навбати билан қабул қилади.

Масалан:

**مَقْعَدُ تَلْمِيزِ** ёки **مَقْعَدُ التَّلْمِيزِ** каби.

Музоф уччала ҳаракатни ҳам қабул қилади, лекин музофун илайх доимо касра бўлиб тураверади.

Масалан:

**مَقْعَدُ التَّلْمِيزِ**

**مَقْعَدُ التَّلْمِيزِ**

**مَقْعَدِ التَّلْمِيزِ**



Кўриб турганимиздек музоф учала ҳаракатни ҳам қабул қилган, лекин музофун илайх учала ҳаракатда ҳам касралигича турибди.

Бу иккала исм "изофа" бўлиб бир исмга айланганидан кейин, жумладаги таркибга қараб хоҳласа мубтадо, хабар, фоил, мафъул ва яна бир қанча кўринишларни қабул қилиши мумкин.

Изофа бўлган бу икки исмга маъно берганда музофун илайхдан бошлаб маъно берилади.

Масалан:

مَقْعَدُ التَّمْيِيزِ ўқувчининг ўтирадиган ўрни каби, демак музофун илайхга "нинг" кўшимчасини қўшиб маъно берамиз. Яъни, музофун илайх "қаратқич келишигида" айтилади ва ёзилади.

## 2 - бўлим

### Зарф ва оид замир ҳақида

Зарфлар бирор феълга ёки тақдирдаги كَانَ га боғланиши шарт. Бу боғланишга "мутааллиқлик" деб айтилади.

Масалан: هُنَا зарф, мутааллағи كَانَ дир, демак هُنَا أَيَّنَ الْمِنْحَاةُ؟ - аслида هُنَا أَيَّنَ الْمِنْحَاةُ كَانَ هُنَا - эди.

Демак бунинг таркиби қуйидагича.

أَيَّنَ - хабари муқаддам, الْمِنْحَاةُ эса мубтадои муаххар, هُنَا зарф, мутааллағи тақдиридаги كَانَ бўлиб, маҳзуф الْمِنْحَاةُ деган мубтадога хабар.

Мубтадо билан хабарнинг ораси боғланиб туриши шарт. Бу боғланиш хабардан бир замирни мубтадога

қайтишлиги билан хосил бўлади, бу замир хабардаги фоил ёки мафъул бўлиши мумкин.

Масалан: فريد يقرأ الدرس - Фарид дарсни ўқияпти. Бу ерда فريد мубтадо, мубтадодан кейин феъл келгани учун "жумла хабар" деб айтиб олиш керак ва алоҳида таркиб қилинади. هُوَ феъли музореъ ўзида фоили бор. Мана шу هُوَ фоили мубтадо бўлган فريد га қайтади. Худди шу қайтишлик мубтадо билан хабарнинг ўртасини боғлайди. الدرس эса мафъулдир.

### 3 - бўлим

#### Жор мажрур ҳақида

Араб тилида шундай ҳарфлар борки улар бирон исмни олдида келса ўша исмнинг охирги ҳарфини касралик қилиб ўқишликка мажбур қилади.

Масалан: الفصل فى فى кирмасдан олдин فى لفصل эди. Бу касра қилувчи ҳарфларга "ҳарфи жор" касра бўлган исмга эса "мажрур" деб аталади.

Иккаласи жор мажрур бўлгандан кейин бирор феъл ёки тақдирдаги كان бунга мутааллақ бўлишлиги шарт.

Демак зарфлар билан жор мажрурларнинг албатта бир мутааллағи, яъни "боғланадиган жойи" бўлади.

Ҳарфи жорларнинг умумий кўриниши:

باءُ تاءُ كافُ لامُ  
 واوُ مُنذُ مُذُ خلا  
 رَبُّ حَاشَا فى عدا  
 مِنْ عَن عَلَى حَتَّى إِلَى

Мана шу 17 ҳарф ҳар қайсиси ўзидан кейин келган исмни мажрур қилади.

Масалан: أَيْنَ الْمُعَلِّمُ؟ - فى الفصلِ

Бу ерда **أَيْنَ** хабари муқаддам, **المُعَلَّم** мубтадои муаххар.

**الفصلِ** жор мажрур мутааллағи **كَانَ** бўлиб маҳзуф **المُعَلَّم** мубтадосига хабар, демак аслида

**أَيْنَ الْمُعَلَّمُ؟ - الْمُعَلَّمُ كَانَ فِي الْفَصْلِ** бўлган.

Агар жор мажрур ошкор келган феълга мутааллиқ, яъни боғланувчи бўлса, таржимада ҳам жор мажрурни ўша феълга мутааллиқ қилиб, маъно берамиз.

**Масалан:**

**عُثْمَانُ يَقْرَأُ الدَّرْسَ فِي الْفَصْلِ** - Усмон дарсни синфда ўқияпти, деб феъл билан жор мажрурни ёнма-ён келтирамиз.

**Эслатма:** охирида жор аломати бўлган музофун илайх ва мажрур калималар “мажрурот” лардандир.

### 3 - Дарс

#### **مَنْ** истифҳомияси ҳақида

Дарсимизда келган **مَنْ** калимаси “исми истифҳом”-лардандир.

Бу **مَنْ** исми истифҳомияси фақат оқил кишига ишлатилади.

Шунинг учун бу **مَنْ** дан кейин бирор исм келса, **مَنْ** мубтадо бўлади, кейин келган исм эса хабар бўлади.

**Масалан:** **مَنْ هَذَا - مُعَلَّمٌ** - Ким бу? - Муаллим.

**Таркиби:**

**مَنْ** мубтадо, **هَذَا** хабар.

**مُعَلَّمٌ** маҳзуф **هَذَا** мубтадосига хабар.

Агар **مَنْ** дан кейин феъл келса, феълни ҳолатига қараб **مَنْ** ни таркиби ўзгаради.

**Масалан:** дарсимиздаги

مَنْ يَخْفَظُ الدَّرْسَ؟ да مَنْ мубтадо, жумла хабар бўлган.

Ёки бошқа мисол:

مَنْ تُرْسِلُهُ - Кимни жўнатяпсан?

Бунда مَنْ мафъул бўлган ва ҳаказо. مَنْ ҳақида кейинги китобимизда тўлиқ маълумот берилади.

## 4 - Дарс

### 1 - бўлим

#### Мафъул ва мунодо ҳақида

Агар мафъул алиф ломли бўлса унга "ни" кўшимчасини кўшиб маъно берамиз.

Масалан: عُثْمَانُ يَأْكُلُ الطَّيِّبَا - Усмон овқатни еяпти каби.

Агар мафъул алиф ломсиз бўлса, кўшимча кўшмасдан мафъулни ўзига маъно берамиз.

Масалан: عُثْمَانُ يَأْكُلُ طَيِّبًا - Усмон овқат еяпти каби.

Бу икки жумладаги фарқ шундан иборатки мафъулидаги اَل маърифага ва ундаги танвин накрага далолат қилади.

Араб тилида қичқириққа "нидо" ва шу қичқириқ орқали чақирилган киши ёки нарсага "мунадо" дейилади, яъни чақирилган дегани.

Масалан: يَا سَعِيدُ - эй Саид каби.

Бу ерда يَا га ҳарфи нидо, سَعِيدُ га "мунадо" дейилади سَعِيدُ га ўхшаш ёлғиз изофасиз исм бўлса замма билан ўқилади يَا سَعِيدُ каби.

Агар мунадо عَبْدُ اللَّهِ га ўхшаш изофали исм бўлса бу исмдаги музоф фатхали ўқилади.

Масалан:

يا عَبْدَ اللَّهِ каби.

Ҳарфи нидоларнинг умумий кўриниши:

يَا، هَيَا، أَيَا، أَي، أ

**Эслатма:** Агар бирор жумлада нидо иштирок этса маъно нидодан бошлаб берилади, чунки одатда керакли одамни ўзига чақириб олиб, сўнг унга керакли гап гапирилади.

**Масалан:** هَاتِ الْمِرَاةَ يَا سَعِيدُ - эй Саид қаламтарошни бер каби.

**Жумланинг яна бир бошқа кўриниши**

Баъзида мубтадо хабар битта мубтадога айланиб кейинги жумла ёки калима хабар бўлиб келади.

**Масалан:** ما هَذَا فِي الرَّفِّ؟ - бу нима токчадаги?

**Таркиби:**

ما - хабари муқаддам

هَذَا - мубтадои муаххар бўлиб иккаласи мубтадо

жор мажрур كان فِي الرَّفِّ؟

**Ёки яна мисол:**

مَنْ هَذَا فِي الْفِصْلِ - Ким бу синфдаги?

مَنْ - мубтадо

هَذَا - хабар бўлиб мубтадо

жор мажрур كان فِي الْفِصْلِ

## 2 - бўлим

### Мавсуф сифат ҳақида

هَذَا الْوَلَدُ ни урфда уч хил таркиб қилинади.

1. Ишорун, мушорун илайх

2. Бадал мубдал минху

3. Мавсуф сифат

Биз урфимизга биноан "мавсуф сифат" деб таркиб қиламиз. Шунинг учун мавсуф сифатга қисқача маълумот бериб ўтамиз.

"Мавсуф" - деб бир сифат билан сифатланган калимага айтилади.

"Сифат" - эса ўша калимани сифатлаган сифатдир.

Масалан: **قَلَمٌ جَمِيلٌ** чиройли қалам.

Бу ерда **قَلَمٌ** "мавсуф" чунки чиройли деган сифат билан сифатланган. **جَمِيلٌ** - эса "сифат" чунки у қаламга чиройли деган сифатни беряпти.

Демак **قَلَمٌ** - мавсуф, **جَمِيلٌ** - сифат

Мавсуф - сифатлар 10 - та нарсанинг 4 тасида бир хил бўлишлиги шарт.

**1. Маърифа, накра.**

**2. Музаккар, муаннас**

**3. Муфрад, тасния, жам.**

**4. Роф, насб, жор.**

Мана шу 10 нарсани **قَلَمٌ جَمِيلٌ** га солиштириб кўрамиз.

**قَلَمٌ** - накра

**جَمِيلٌ** - накра

**قَلَمٌ** - музаккар

**جَمِيلٌ** - музаккар

**قَلَمٌ** - муфрад

**جَمِيلٌ** - муфрад

**قَلَمٌ** - роф

**جَمِيلٌ** - роф

Мана шу 10 та нарсани 4 тасида бир бирига ўхшаш бўлганлиги учун бу иккала исмга мавсуф сифат деб айтилади.

Бу солиштиришни **هَذَا الْوَلَدُ** - га қўйиб кўрсак ҳам худди шундай ўхшашлик чиқади.

Бу иккала исм мавсуф сифат бўлиб бир исмга айлангандан кейин, хоҳласа мубтадо ёки хабар ёки

тескариси, хоҳласа фоил ёки мафъул ёки жор мажрур ва бир қанча кўринишларни қабул қилишлари мумкин. Мавсуф - сифатга маъно берганда сифатдан бошлаб маъно берилади.

Масалан: قَلَمٌ جَمِيلٌ - чиройли қалам каби.

Лекин هَذَا الْوَلَدُ га бадал мубдал минҳу деб таркиб қилиш мавсуф сифатдан кўра қувватлироқдир.

## 5 - Дарс

### Мустақил дарс

## 6 - Дарс

### Замирлар ҳақида

Ўзбек тилида "мен, сен, у" каби шахс отлари бўлганидек, араб тилида ҳам اَنَا أَنْتَ هُوَ каби исми замир шахс отлари бор.

Исми замир шахс отлари жинс эътиборига кўра иккига бўлинади: "музаккар ва муаннас". Сон жиҳатидан эса учга бўлинади: "муфрад, тасния, жам" шахс жиҳатидан ҳам учга бўлинади "ғойиб, мухотаб, мутакаллим".

"Ғойиб" деб ёнимизда бўлмаган, лекин биз унга мурожаат қилаётган шахсга айтилади.

Масалан "у, улар" каби.

"Мухотаб" деб бизнинг сўзимизни тинглаётган ва биз унга мурожаат қилаётган шахсга айтилади.

Масалан: "сен, сизлар" каби

"Мутакаллим" деб гапирувчи ўзини ишора қилиб айтаётган шахсга айтилади.

Масалан: "мен, бизлар" каби,

Исми замир шахс отлари икки турлидир:

1. "Бориз" яъни кўзда кўриниб турувчи.

2. "مُسْتَتِرٌ" яъни яширилган.

1. Замир бориз деб гапириладиган ёзиладиган замирга айтилади. Масалан: فَتَحْنَا даги تُ ёки فَتَحْنَا даги هُوَ ёки أَنَا أَنْتُ кабилар.

2. Замир мустатир деб ёзилмайдиган, ўқилмайдиган, балки фақат маънода унинг борлиги билинадиган замирга айтилади.

Масалан: "урди" феълида яширинган "у" бўлганидек, яъни "у урди" каби.

Замири бориз ўзи икки турлидир.

1. "Мунфасил" яъни ажралган, алоҳида.

2. "Муттасил" яъни қўшилган, бирлашган.

"Замир мунфасил" деб бирор нарсага қўшилмасдан алоҳида ўқиладиган, ёзиладиган замирга айтилади.


Масалан: أَنَا، نَحْنُ каби.

"Замири муттасил" деб бирор калимага қўшилиб ўқиладиган ёзиладиган замирга айтилади.

Масалан: فَتَحْتُ даги تُ ёки ضَرَبْتُ даги هُ ёки قَلَمِكَ даги كُ каби.

### Замир мунфасил бўлган исми замир шахс отларининг умумий кўриниши

- ғойиб музаккар муфрад у 1эр.
- ғойиб музаккар тасния у 2эр.
- ғойиб музаккар жам улар жам эр.
- ғойиб муаннас муфраду 1 а.
- ғойиб муаннас тасния улар 2 а.
- ғойиб муаннасжам улар жам а.





мухотаб музаккар муфрад сен 1 эр.	أَنْتَ	музаккар	мухотаб
мухотаб музаккар тасния сен 2 эр.	أَنْتُمَا		
мухотаб музаккар жам сизлар кўп эр.	أَنْتُمْ		
мухотаб муаннас муфрад сен 1 а.	أَنْتَ	муаннас	
мухотаб муаннас тасния сен 2 а.	أَنْتُمَا		
мухотаб муаннас жам сизлар кўп а.	أَنْتُنَّ		

мутакаллим муз.муан муфрад мен 1 эр.а	أَنَا	мутакаллим
мутакаллим муз.муан жам бизлар кўп эр.а	أَنْتُمْ	

**Замири муттасил бўлган исми замир шахс отларининг баъзи кўринишлари:**

ғойиб музаккар муфрад унинг қалами 1э.	قَلَمُهُ	музаккар	ғойиб
ғойиб муз. тасния уларнинг қалами 2э.	قَلَمُهُمَا		
ғойиб муз жам уларнинг қалами кўп э.	قَلَمُهُمْ		
ғойиб муаннас муфрад унинг қалами 1а.	قَلَمِهَا	муаннас	
ғойиб муан тасния унинг қалами 2а.	قَلَمِهُمَا		
ғойиб муан жам унинг қалами кўп а.	قَلَمُهُنَّ		

мух музаккар муфрад сенинг қаламинг 1э.	قَلَمُكَ	музаккар	мухотаб
мух муз. тасния сенинг қаламинг 2э.	قَلَمُكُمَا		
мух муз жам сизларнинг қаламингиз кўп э.	قَلَمُكُمْ		
мух муаннас муфрад сенинг қаламинг 1а.	قَلَمِكَ	муаннас	
мух муан тасния сенинг қаламинг 2а.	قَلَمِكُمَا		
мух муан жам сизларнинг қаламингиз кўп а.	قَلَمِكُنَّ		

мутақ. муфрад муз/муан. қаламим 1 э.а.  
 мутақ. жам муз/муан. қаламимиз кўп э.а.

قَلَمِي  
 قَلَمُنَا

мутақаллим

Булар исмга тутшиб келган замирлардир, феълга тутшиб келган замирлар ҳам бор.

Масалан: ضَرْبُهُ даги تَ ёки فَتَحَتْ даги هُ каби. Буларни ҳам юқоридагидек тусласа бўлади.

Агар зарфларнинг ёнида феъл келса, яъни зарфдан кейин феъл келса бу зарфнинг мутааллағи ўша феъл бўлади.

Масалан: مَتَى تَقْرَأُ - Қачон ўқийсан?

Бу ерда مَتَى - зарф, мутааллағи, яъни боғланадиган жойи تَقْرَأُ дир, أَنْتَ феъли музореъ ўзида бор.

## 7 - Дарс

### 1 - бўлим

#### بَعْدَ قَبْلَ ҳақида

بَعْدَ قَبْلَ - лар кўпинча музоф бўлиб келади, ундан кейин келган исм эса музофун илайх бўлади. Иккаласи изофа бўлиб ошкор келган феълга ёки феъл бўлмаса тақдирдаги كَان га мутааллиқ бўлади.

Масалан: дарсимиздаги أَنَا أَلْعَبُ بَعْدَ الدَّرْسِ - мен дарсдан кейин ўйнайман.

Таркиби: أَنَا мубтадо жумла хабар, أَلْعَبُ феъли музореъ ўзида أَنَا фоили бор, мубтадога қайтади.

بَعْدَ الدَّرْسِ изофа бўлиб зарф, мутааллағи أَلْعَبُ феъли бўлади.

بَعْدَ قَبْلَ ларнинг зарфи макон ёки зарфи замонлиги ларга изофа қилинган исмга қараб бўлади.

Масалан: بَعْدَ الدَّرْسِ - зарфи замон بَعْدَ الْمَدْرَسَةِ - зарфи макон.

Баъзида بَعْدَ قَبْلَ лар изофасиз ёлғиз ўзи келади. Ёлғиз ўзи келганда بَعْدُ бўлиб - заммани қабул қилади, бу замма маҳзуф музофун илайҳдан эваз бўлади.

Масалан: مِنْ بَعْدِ مِنْ قَبْلِ каби مِنْ بَعْدُ مِنْ قَبْلُ эмас.

Шунга ўхшаш охирги ҳарфи ҳаракатни қабул қиладиган калималарга эса "мўъроб" калималар дейилади. Яъни учала ҳаракатни ҳам қабул қилади.

Охирги ҳарфи ҳаракатни қабул қилмайдиган калималарга эса "мабний" калималар дейилади.

Юқорида ўтган هَذَا калимаси ҳам "мабний" калималаридандир.

Масалан: هَذَا أَكْبَرُ مِنْ هَذَا - бу бундан каттароқ. Биринчи هَذَا роф ўрнида мубтадо, иккинчи هَذَا жор ўрнида мажрур, иккаласида ҳам ҳаракат қабул қилинмаган.

**Сўроқлар яъни истифҳомлар иккига бўлинади.**

1. Исми истифҳомлар

2. Ҳарфи истифҳомлар

Исми истифҳомлар қуйидагилардан иборат:

مَنْ، مَا، مَاذَا، مَنْذًا، مَتَى، أَيَّانَ، أَنَّى، أَيْنَ، كَيْفَ، أَيُّ، كَمْ.

Ҳарфи истифҳомлар эса иккита: هَلْ ۱

Исми истифҳомлар исм бўлганлиги учун мубтадо, "хабар, фоил, мафъул, ҳол" деб таркиб қилинади,

Масалан: مَنْ هَذَا - ким бу.

Таркиби: مَنْ - мубтадо, هَذَا хабар.

Ҳарфи истифҳомлар эса ҳарф бўлганлиги учун истифҳом мустафҳам деб таркиб қилинади.

Дарсимиздаги هَلْ - ҳарфи истифҳом жумла мустафҳам бўлади.

Илгари айтиб ўтганимиздек истифҳомлар доимо жумланинг бошида келади.

## 2 - бўлим

### Ҳари отифалар

Ўзбек тилида "ва, сўнг, лекин" боғловчилари бўлганидек араб тилида ҳам шунга ўхшаш боғловчилар бор, бу боғловчиларга "ҳарфи атифалар" дейилади. Ҳарфи атифалар ўхшаш калималарнигина бир-бирига боғлайди.

Масалан:

мубтадони	-	мубтадога,
хабарни	-	хабарга,
фоилни	-	фоилга,
мафъулни	-	мафуълга,
жори мажрурни	-	жори мажрурга
жумлани	-	жумлага
феълда эса мозийни	-	мозийга,
музореъни	-	музореъга,
феъли амрни	-	феъли амрга боғлайди.

Дарсимиздаги *فَمَ وَ إِفْرًا التَّرْسَ* жумласидаги *واو* ҳарфи атифаси, иккита буйруқ феълининг орасида келиб уларни бир-бирига боғлаяпти, бунинг таркиби куйидагича:

فَمَ - феъли амр, ўзида *أَنْتَ* фоили бор

واو - ҳарфи атифа  
إقرأ - маътуф (яъни боғланган), маътуфун аълайх эса  
فم дир (унга боғланган) дегани.  
إقرأ - феъли амр, ўзида أنت фоили бор.

الدّرس - эса мафъулдир.

Ҳарфи атифаларнинг умумий кўринишлари:

واو, فا, فاء, ئم, أو, أم, بئ, لا, لكن, حتّى.

## 8 - Дарс

### Мустақил дарс

## 9 - Дарс

### 1 - бўлим

#### Масдар ва мозий, музорий феъллари ҳақида

Ўзбек тилида ўзак деб барча феъллар ундан олинадиган сўзга айтилади. Ўзак бошқа исмлардан "моқ, иш" қўшимчалари билан ажралиб туради.

Масалан: бормоқ, кетиш каби.

Араб тилида ўзакка "масдар" дейилади.

Масдар иш-ҳаракатнинг номи бўлиб феълдан тушунилган учта замоннинг бирортасига ҳам дахилдор эмас. Масдар ўзбек тилидаги ўзак каби бошқа исмлардан ажралиб турадиган бирор бир белгига ҳам эга эмас.

Масалан: كِتَابٌ فَتْحُ очмоқ, китоб иккаласи ҳам танвинли.


الكِتَابُ الفَتْحُ очмоқ, китоб иккаласи ҳам алиф, ломли.

Лекин булардан бири масдар, иккинчиси оддий исм. Кўп ўқиш, кўп ёзиш натижасида исмдан масдар ажратилади, демак кўп ўқиш билан буларнинг фарқи билинади.

Масалан: فَتْحُ очмоқ масдаридан олинган.

**فَتْحُ очди мозий феълининг умумий кўриниши**


- ғойиб музаккар муфрад очди у 1 эр
- ғойиб музаккар тасния очди у 2 эр
- ғойиб музак жам очдилар улар кўп э.
- ғойиб муаннас муфрад очди у 1 аёл
- ғойиб муаннас тасния очди у 2 аёл
- ғойиб муаннас жам очдилар улар кўп а



- мухотоб музаккар муфрад очдинг 1 эр
- мухотоб музаккар тасния очдинг 2 эр
- мухотоб музак. жам очдингиз сизлар к. э.
- мухотоб муаннас муфрод очдинг 1 аёл
- мухотоб муаннас тасния очдинг 2 аёл
- мухотоб муан жам очдинглар сиз кўп аёл



- мутакаллим муз.муан муфрод очдим мен эр.аёл
- мутакаллим муз.муан жам очдик биз кўп эр.аёл



Мозийни музорега айлантириш учун **ا ت ي ن** ҳарфларидан бирини мозийни олдига қўйишлик билан ясалади.

Масалан: **أَفْتَحُ** каби. **نَفْتَحُ**, **يَفْتَحُ**, **تَفْتَحُ**

Бу тўрт ҳарфга “ҳарфи музореъат” деб аталади.

**يَفْتَحُ - очади феъли музореънинг умумий кўриниши**

ғойиб музаккар муфрад очади у 1 эр	يَفْتَحُ	}	музаккар	}	ғойиб
ғойиб музаккар тасния очади у 2 эр	يَفْتَحَانِ				
ғойиб музак жам очадилар улар кўп эр	يَفْتَحُونَ				
ғойиб муаннас муфрад очади у 1 аёл	تَفْتَحُ	}	муаннас		
ғойиб муаннас тасния очади у 2 аёл	تَفْتَحَانِ				
ғойиб муан жам очадилар улар кўп аёл	تَفْتَحْنَ				

мухотоб музаккар муфрад очасан 1 эр	تَفْتَحُ	}	музаккар	}	мухотоб
мухотоб музаккар тасния очасан 2 эр	تَفْتَحَانِ				
мухотоб музаккар жам очасизлар кўп эр	تَفْتَحُونَ				
мухотоб муаннас муфрод очасан 1 аёл	تَفْتَحِينَ	}	муаннас		
мухотоб муаннас тасния очасан 2 аёл	تَفْتَحَانِ				
мухотоб муан.жам очасизлар кўп аёллар	تَفْتَحْنَ				

мутакаллим муз.муан муфрод очаман мен эр. аёл	تَفْتَحُ	}	мутакаллим
мутакаллим муз.муан жам очамиз биз кўп эр. аёл	تَفْتَحْنَ		

**2 - бўлим**

**Амр феълини яшаш**

Амр тингловчидан бирор иш-ҳаракатни бажарилишини талаб қилишлик учун айтиладиган буйруқ музореъ феълининг фақат олти мухотабидангина ясалади. Бунинг учун икки иш бажарилади.

1. Феъли музореънинг охири сокин қилинади.

2. Ҳарфи музореъат олиб ташланади.

Агар ҳарфи музореъат олиб ташлангандан кейинги ҳарф ҳаракатли бўлса амр яшаш ниҳоясига етади, яъни амр хосил бўлади.

Масалан: تَضَعُ - تَضَعُ - تَضَعُ - ضَعُ - ضَعُ

Агар ҳарфи музореъат олиб ташлангандан кейинги ҳарф сокин бўлса феълни сокин билан бошлаш мумкин бўлмаганлиги учун сокиндан кейинги ҳарф фатхали ёки касрали бўлса сокинни олдига ҳаракати касрали бўлган алиф келтирамиз.

Масалан:

تَفْتَحُ - تَفْتَحُ - تَفْتَحُ - فَتْحُ - فَتْحُ - افْتَحُ

تَضْرِبُ - تَضْرِبُ - تَضْرِبُ - ضَرْبُ - ضَرْبُ - اضْرِبُ

Агар олиб ташланган музореъат ҳарфларидан кейинги ҳарф сокин бўлиб ундан кейинги ҳарфнинг ҳаракати заммали бўлса сокинни олдига ҳаракати заммали бўлган алиф келтирамиз.

Масалан: تَكْتُبُ - تَكْتُبُ - تَكْتُبُ - كُتْبُ - كُتْبُ - اُكْتُبُ

### افْتَحُ оч феъли амрининг умумий кўриниши

Феъли амр музаккар муфрад оч сен 1 эр

افْتَحُ

Феъли амр музаккар тасния оч сен 2 эр

افْتَحَا

феъли амр музак жам очинглар сизлар кўп эр

افْتَحُوا

феъли амр муаннас муфрад оч сен 1 аёл

افْتَحِي

феъли амр муаннас тасния оч сен 2 аёл

افْتَحَا

феъли амр муан жам очинглар сизлар кўп аёл

افْتَحْنَ



Амр яшашдаги музореъ феълнинг охирини сокин қилиб ҳарфи музореъатни олиб ташлашлик амр яшашдаги умумий қоидадир.

Лекин таснияди, жамда ва муаннасининг муфрадида нунларнинг тушишлиги охирини сокин қилиш ўрнига ўтади.

Масалан:

تَفْتَحَانِ - تَفْتَحَا - تَفْتَحَا - افْتَحَا  
تَفْتَحُونَ - تَفْتَحُوا - تَفْتَحُوا - افْتَحُوا  
تَفْتَحِينَ - تَفْتَحِي - تَفْتَحِي - افْتَحِي

Муаннасининг жамида нунлар тушмаслигига сабаб, бошқа феълларга ўхшаб қолмаслиги учундир, демак *اِفْتَحْنَ* лигича қолади.

### 3 - бўлим

#### Мажхуллик нисбати

Ҳозиргача ўтган феълларимизнинг фоиллари ёнида зикр килинди ёки ўзида фоили яширин бўлиб келди. Бу фоиллари маълум бўлган феълларга "Маълум" феъллар деб айтилади.

Шундай феъллар борки уларнинг фоилларини зикр килишни иложи йўқ ёки уларнинг фоиллари номаълум.

Масалан: Сиз синган ручкани кўрсангиз ручка синдирилган дейсиз. Яъни синдирувчиси ким эканлигини билмайсиз. Шунга ўхшаш фоили номаълум бўлган феълларга "мажхул" феъллар яъни "номаълум феъллар" деб аталади. Бундай феълларнинг фоили маҳзуф бўлиб ўрнига мафъули келади ва бу мафъул фоилнинг ўринбосарига айланади, яъни ноиб фоил бўлади.

Масалан: كُتِبَ الْمَكْتُوبُ хат ёзилди.

Бу аслида كَتَبْتُ الْمَكْتُوبَ “хатни ёздим” бўлиши мумкин эди, бу ерда أَنَا фоили маҳзуф бўлиб мафъул бўлган الْمَكْتُوبُ фоилнинг ноибига айланиб الْمَكْتُوبُ бўлган.

Маълум мозий феълени мажхулга айлантиришлик учун феълнинг охиридан олдинги ҳарфи касрали; ундан олдинги барча ҳаракатли ҳарфлар заммали ўқилади, сокинлар эса ўз ҳолича қолади.

Масалан:

каби. كَتَبَ - كَتَبَ اِكْتَسَبَ - اِكْتَسَبَ

### فُتِحَ - очилди мажхул феъли мозийнинг умумий кўриниши

ғойиб музаккар муфрад очилди у 1 эр


ғойиб музаккар тасния очилди у 2 эр

ғойиб музаккар жам очилдилар улар кўп э.

ғойиб муаннас муфрад очилди у 1 аёл

ғойиб муаннас тасния очилди у 2 аёл

ғойиб муаннас жам очилдилар улар кўп аё



мухотоб муз. муфрад очилдинг сен 1 эр


мухотоб муз. тасния очилдинг сен 2 эр

мухотоб муз. жам очилдинг сиз кўп эр

мухотоб муан. муфрод очилдинг сен 1 аёл

мухотоб муан. тасния очилдинг сен 2 аёл

мухотоб муан. жам очилдинг сиз кўп аёллар



мутакаллим муз.муан муфрод очилдим мен эр.аёл **فُتِحْتُ**  
 мутакаллим муз.муан жам очилдик биз кўп эр.аёл **فُتِحْنَا**

мутакаллим

Маълум музореъ феълини мажхулга айлантиришлик учун феълнинг охиридан олдинги ҳарфи фатхали музореъат ҳарфи эса заммали ўқилади. Бошқа барча ҳаракатлар ва сокинлар ўз ҳолича қолади.

Масалан: **يُكْتَبُ - يُكْتَبُ** каби. **يُكْتَسَبُ - يُكْتَسَبُ**

### يُفْتَحُ - очилади феъли музореънинг умумий кўриниши

ғойиб музаккар муфрад очилади у 1 эр  
 ғойиб музаккар тасния очилади у 2 эр  
 ғойиб музак. жам очиладилар улар кўп эр

**يُفْتَحُ**  
**يُفْتَحَانِ**  
**يُفْتَحُونَ**

музаккар

ғойиб

ғойиб муаннас муфрад очилади у 1 аёл  
 ғойиб муаннас тасния очилади у 2 аёл  
 ғойиб муаннас жам очиладилар улар кўп аёл

**تُفْتَحُ**  
**تُفْتَحَانِ**  
**تُفْتَحْنَ**

муаннас

мухотоб музаккар муфрад очиласан 1 эр  
 мухотоб музаккар тасния очиласан 2 эр  
 мухотоб музаккар жам очиласизлар кўп эр

**تُفْتَحُ**  
**تُفْتَحَانِ**  
**تُفْتَحُونَ**

музаккар

мухотоб

мухотоб муаннас муфрод очиласан 1 аёл  
 мухотоб муаннас тасния очиласан 2 аёл  
 мухотоб муан. жам очиласизлар кўп аёллар

**تُفْتَحِينَ**  
**تُفْتَحَانِ**  
**تُفْتَحْنَ**

муаннас

мухотоб

мутакаллим муз.муан муфрод очиламан мен ё эр.аёл  
мутакаллим муз.муан жам очиламиз биз кўп эр.аёл

أَفْتَحُ  
نُقَاتِحُ

мутакаллим

يُوجَدُ الذُّنْبُ فِي الْغَابِ - бўри ўрмонда топилади.

Таркиби:

يُوجَدُ - феъли мажхул музореъ,

الذُّنْبُ - ноиби фоил,

فِي الْغَابِ - жор мажрур мутааллағи يُوجَدُ дир.

**Эслатма:** дарсимиздаги يُوجَدُ топилади музореъ мажхулини тушунтириш учун биз феълнинг асли бўлган масдардан бошлаб мозий, музореъ, амр яшаш ва феъли мажхулни тушунтириб ўтдик.

يُوجَدُ ҳақидаги қолган маълумот "جناح الطالب" китобида ўтилади.

## 10 - Дарс

### Фосила ҳақида

Мубтадо билан хабарни ўртасида келган замирга "фосила" деб айтилади, яъни мубтадо хабарни орасида келиб уларни орасини ажратганлиги учун "фосила" ажратувчидир.

Аниқроқ қилиб айганда "фосила"нинг келишидан мақсад хабар мубтадонинг сифати эмаслигини тушунтириш учундир.

**Масалан:** مَنْ هُوَ فِي الْجَنَّةِ даги هُوَ каби.

**Таркибда:** фосила деб ўтилсада, таржимада унга маъно берилмайди. **Масалан:** ким боғчада каби.

Таркиби:

مَنْ - мубтадо

هُوَ - фосила

كَانَ فِي الْجَنَّةِ жор мажрур мутааллағи такдирдаги бўлиб, хабар.

Эслатма: Юқорида ўтган замир мунфасил бўлган - исми замир шахс отларининг барчаси фосила бўлишга ярайди.

### Тамйиз ҳақида

Жумладаги ноаниқликни чигалликни кетказган калимага "тамйиз" деб аталади.

Масалан: شَرِبَ مُحَمَّدٌ فَنَجَانًا - Муҳаммад бир пиёла ичди. десак бу ноаниқлик бўлади, чунки бир пиёлдан мақсад нима чойми, сувми эканлигини билмаймиз агар бу жумлага شَايَا - ни қўшиб شَرِبَ مُحَمَّدٌ فَنَجَانًا شَايَا десак "Муҳаммад бир пиёла чой ичди" деган тўлиқ жумла хосил бўлади. Шунга ўхшаш شَايَا каби жумладаги ноаниқликни кўтарган калимага тамйиз деб аталади.

Ундан ноаниқлик кўтарилган калимага эса "мумайяз" деб аталади.

Масалан: فَنَجَانًا - мумайяздир.

Тамйиз ҳам мумайяз ҳам доимо накра исм бўлади.

Таркибда فَنَجَانًا - мафъул شَايَا - тамйиз, فَنَجَانًا мумайяз деб ўтилади. Яъни тамйиздан сўнг мумайяз айтилади!

## 11 - Дарс

### Мафуъли мутлақ ҳақида

Баъзида феълдан тушунилган маънони кучайтириш учун феълдан кейин мутлақо шу феълга ўхшаш бир-

калима келади. Бу калимага "мафъули мутлақ" деб айтилади.

Масалан: *عَطِشْتُ عَطْشًا* "чанқашликда-чанқадим" каби, бу ерда *عَطْشًا* мафъул мутлақ бўлади.

Мафъули мутлақ баъзида сифати билан келади. Масалан: *عَطِشْتُ عَطْشًا كَثِيرًا* Кўп чанқашликда чанқадим.

Баъзида мафъули мутлақ хазф бўлиб ўрнига сифати келади.

Масалан: *عَطِشْتُ كَثِيرًا* каби, бунга ҳам мафъули - мутлақ бордек таржима қилинади. Кўп чанқашликда чанқадим каби.

Таркиби:

*عَطِشْتُ* - феъли мозий ўзида *أَنَا* фоили бор.

*كَثِيرًا* - маҳзуф мафъули мутлаққа сифат.

## 12 - Дарс

### Жам

Жамлар иккига бўлинади.

1) **жами мукассар (синиқ жам).**

2) **жами солим (соғ жам).**

Жами мукассар (синиқ жам) деб калиманинг муфрадини ўзгартиришлик билан ясалган жамга айтилади.

Масалан: *مِسْطَرٌ - مَسَاطِرُ تَرْسٌ - تُرُوسٌ* каби.

Жами солим яъни соғлом жам деб калиманинг муфрадини ўзгартирмасдан унинг охирига, қўшимчалар қўшиш йўли билан ясалган жамга айтилади, бу жам ўзи иккига бўлинади.

1. "Жами музаккар солим", яъни музаккар жамидаги соғлом жам. Демак, бунга фақат эр кишига оид жамлар киради.

Бу жамни яшашлик учун калиманинг охирига **وَن** ёки **يَن** кўшимчалари кўшилади.

Масалан: **مُحَمَّدُونَ مُحَمَّدِينَ**

Агар бу жам роф ўринда келса яъни мубтадо ёки фоил ўрнида келса **وَن** кўшимчаси билан келади.

Масалан: **جَاءَ مُحَمَّدُونَ مُحَمَّدُونَ مُجْتَهِدُونَ** каби.

Агар бу жам насб ёки жор ўрнида келса, яъни мафъул ёки мажрур ўрнида келса **يَن** кўшимчаси билан келади.

Масалан: **رَأَيْتُ مُحَمَّدِينَ مَرَرْتُ بِمُحَمَّدِينَ** каби.

Бу жамда фақат ақл эгалари ва уларнинг сифатлари келади.

Масалан: **مُحَمَّدُونَ عَالِمُونَ** каби.

Ҳайвонлар ва нарсаларнинг жамлари бу жамда келмайди.

2. "Жами муаннас солим" муаннас аёл жинсидаги жамлар бу жамни яшашлик учун муфрад муаннас калиманинг охирига **اَتْ** алиф та ҳарфларини кўшишлик билан ясалади.

Масалан: **فَاطِمَةٌ - فَاطِمَاتٌ** каби.

Агар бу жам роф ўринда келса яъни мубтадо ёки фоил ўрнида келса **اَتْ** кўшимчаси билан келади.

Масалан: **فَاطِمَاتٌ مُجْتَهِدَاتٌ** ёки **جَاءَتْ فَاطِمَاتٌ** каби.

Агар бу жам насб ёки жор ўрнида келса, яъни мафуъл ёки мажрур ўрнида келса **اِت** қўшимчаси билан келади.

Масалан: **رَأَيْتُ فَاطِمَاتٍ مَرَرْتُ بِفَاطِمَاتٍ** ёки **رَأَيْتُ فَاطِمَاتٍ** каби.

Бу жамда фақат ақл эгалари эмас, балки нарсаларнинг ҳам жамлари келаверади.

Масалан: **نَشَافَةٌ - نَشَافَاتٌ** каби.

Араб тилида шундай калималар борки, улар касра ҳаракатини ва танвинни қабул қилмайди, бу калималарга “ғойри мунсорифлар” дейилади.

Масалан: **كَرَارِيْسُ مَسَاتِيْرُ**

Лекин бу калималарга **اَل** алиф лом келса касрани қабул қилади.

Масалан: **بِالْكَرَارِيْسِ بِالْمَسَاتِيْرِ**

### 13 - Дарс

#### Бадал мубдал минху ҳақида

Шундай калималар борки жумлага келишдан унинг ўзи асосий мақсад бўлмасдан, ўзидан кейин келган калимага йўл очишлик учун келади, унга йўл очилган калимага “бадал” дейилади. Ўша йўл очиб берган калимага эса “мубдал минху” дейилади.

Бадалнинг ҳаракати мубдал минху билан бир-хил бўлади.

Масалан: **أَيْنَ بِنْتِي فَاطِمَةُ** - Қизим Фотима қаерда?



Бу ерда "қизим" калимаси "Фотима" калимасига йўл очиб беряпти. Демак жумлада айтилиши зарур бўлган калима "Фотима" бўлган.

Таркиби:

أَيْنَ - хабари муқаддам

بِنْتِي - изофа бўлиб мубтадои муаххар,

فَاطِمَةَ - эса بِنْتِي -дан бадал, мубдал минҳу -дир.

Таржима қилишда мубдал минҳудан бошлаб маъно берилади. Масалан: "Қизим Фотима қаерда" каби.

أَيُّهَا الْوَالِدُ! - Эй болалар!

Таркиби: أَيُّ маҳзуф يَا нидосига мунодо, هَا танбеҳ  
بِنْتِي эса أَيُّ га сифат, демак аслида يَا أَيُّهَا الْوَالِدُ бўлган.

Юқорида мавсуф сифатларнинг қоидасидан бизга маълумки, улар ўнта нарсанинг тўрттасида бир хил бўлишлиги шарт.

Лекин жами мукассарларнинг сифати бу қоидага хилоф равишда келади. Яъни жами мукассарнинг сифати муфрад муаннас ҳолда келади.

Масалан: дарсимиздаги مَدَارِسُ كَثِيرَةٌ каби.

Демак مَدَارِسُ мавсуф كَثِيرَةٌ эса сифат.

## 14 - Дарс

### 1 - бўлим.

#### Ҳарфи шартия ҳақида

Араб тилида шундай ҳарфлар борки улар кўпинча иккита музореъ феълени олдида келиб икаласини ҳам сокинли ўқишликка мажбур қилади.

Масалан: إِنْ تَذَهَبْ أَذْهَبْ - Агар борсанг бораман.

Бу сокин қилувчи ҳарфларга "шартийя" 'ҳарфлари деб аталади. Шартийя келган биринчи феълга "феъли шарт" иккинчи феълга "жавоби шарт" деб аталади.

Масалан: **إِنْ تَذْهَبْ أَذْهَبْ** - Агар борсанг бораман.

Таркиби:

**إِنْ** - ҳарфи шартийя.

**تَذْهَبْ** - феъли шарт ўзида **أَنْتَ** фоили бор.

**أَذْهَبْ** - жавоби шарт ўзида **أَنَا** фоили бор.

Агар феъли амрдан кейин **إِنْ** шартийяси келса, бу **إِنْ** шартийяси ўзининг феъли шартийяси билан бирга маҳзуф бўлиб келади, лекин унинг "жавоби шарти" ошкор келади.

Масалан: дарсимиздаги **تَعَالَ يَا فَارِيدُ نَشْرَبِ الشَّايَ** аслида **تَعَالَ يَا فَارِيدُ** - "Эй Фарид кел агар келсанг чойни ичамиз" эди.

Эслатма: **تَعَالَ** исми феъл бўлиб унинг музореъси бўлмаганлиги учун **تَأْتِي** феълини келтирдик.

**تَعَالَ يَا فَارِيدُ نَشْرَبِ الشَّايَ** нинг таркиби қуйидагича.

**تَعَالَ** - феъли амр ўзида **أَنْتَ** фоили бор.

**يَا** - ҳарфи нидо,

**فَارِيدُ** - мунадо,

**نَشْرَبِ** - маҳзуф **إِنْ** шартийясига жавоби шарт, феъли музореъ ўзида **نَحْنُ** фоили бор,

**الشَّايَ** - мафъули.

Сокинга ҳаракат берилса касра ҳаракати берилади деган қоидага биноан, сокинли **نَشْرَبِ** феъли, касра билан **نَشْرَبِ** ўқилади. Демак, хазф бўлган **إِنْ** шартиясига жавоби шарт бўлганлиги учун феъли амрдан кейин келган ҳар қандай музореъ феъли сокинли ўқилади.

نَعَمْ - ўзидан олдинда келган сўроққа жавоб бўлади, шунинг учун таркибда "ҳарфи ижоб" деб ўтилади.

أَيْضًا - феъли ҳазф бўлган мафъули мутлақ, таржимада "ҳам, яна" деган маъно берилади.

## 2- бўлим

### Махзуф калималар ҳақида

Биз истилоҳимизда ишлатадиган "даги", "бор", "бўлган", "турибди" сўзлари араб тилида махзуф бўлиб келади.

Масалан: дарсимиздаги

نَحْنُ نَتَعَلَّمُ فِي الْمَدْرَسَةِ الْخُسَيْنِيَّةِ فِي أَوْرَنْبُورَغ

Биз Оренбургдаги ёки Оренбургда бўлган Хусайния мадрасасида таълим оламиз.

Таркиби:

نَحْنُ - мубтадо жумла хабар

نَتَعَلَّمُ - феъл музорий, ўзида نَحْنُ фоили бор мубтадога қайтади.

فِي الْمَدْرَسَةِ الْخُسَيْنِيَّةِ - мавсуф сифат бўлиб فِي га мажрур, мутааллағи نَتَعَلَّمُ .

أَوْرَنْبُورَغ فِي-жор мажрур мутааллағи махзуф الْكَائِنَةِ га бўлиб الْمَدْرَسَةِ га 2- сифат.

الْمَدْرَسَةِ الْخُسَيْنِيَّةِ га 1- сифат эди.

Мана шу махзуф الْكَائِنَةِ га таржимада "даги" ёки "бўлган" деб маъно беряпмиз.

Бу махзуф исм тобе бўлиб музаккар муаннасликда, муфрад тасния жамликда, маърифа накраликда, раф насб жорликда матбуъсига, яъни мавсуфига эргашиб боради.

Худди المدرسة маърифа, муфрад, муаннас мажрур бўлгани учун, махзуф الكاننة ҳам маърифа, муфрад, муаннас, мажрур бўлганидек.

Бундай махзуф бўладиган калималар бир нечтадир.

Улар: ثَابِتٌ , مَوْجُودٌ , كَانِنٌ , كَانٌ ва ҳаказо.

## 15 - Дарс

### 1 - бўлим

#### Зарф ва накра исм ҳақида

الآن - зарф, мутааллағи бирор феъл бўлади.

فَقَطٌ - калимаси لَا يَتَجَاوَزُ عَنْهَا - "ундан ўтмайди" жумласидан эваз.

Таркибда فَقَطٌ га исми феъл деб ўтилади.

Агар الآن فَقَطٌ бўлиб, иккаласи бирга келса таржимада "ҳозиргина" деган маъно берилади, مَعَ кўпинча музоф бўлиб ундан кейин келган исм ёки замир унга музофун илайҳ бўлади. Иккаласи изофа бўлиб зарф мутааллағи бирор феъл ёки феълга ўхшаш калима бўлади. Таржимада "билан бирга ёки бирга" деган маъно берилади. Бунда مَعَ зарф маконга яқин бўлганлиги учун зарф деб юритилади.

Агар مَعَ изофасиз ўзи келса مَعًا кўринишида келади ва таркибда "ҳол" деб ўтилади.

Муфрад накра исм таржима қилинганда унга - "битта" қўшимчасини қўшиб маъно берилади.

Масалан: اشْتَرَيْتُ قَلَمًا وَ مِسْطَرًا وَ كِتَابًا

Мен битта қалам ва битта чизғич ва битта китоб сотиб олдим каби.

Демак таржимада ҳам унинг накралиги билдирилади.

## 2-бўлим

### Жумланинг турлари ва уларнинг қўлланиши ҳақида

Араб тилида жумлалар икки хил бўлади.

#### 1- жумлаи феълия

#### 2- жумлаи исмия

Жумлаи феълия деб феъл билан бошланган жумлага айтилади.

Масалан: نَامَ الْوَلَدُ - бола ухлади каби.

Жумлаи исмия деб исм билан бошланган жумлага айтилади.

Масалан: هَذَا كِتَابٌ - бу китоб каби.

Агар накра исмдан кейин жумлаи феълия келса бу жумла ўша накра исмга сифат бўлиб келади ва сифат бўлганлиги учун таржимада бу жумлага "ган" қўшимчаси берилади.

Масалан: رَأَيْتُ فِي سَاحَةِ الدَّارِ تَلَامِيذَةً يَلْعَبُونَ بِالْكَرَةِ

Мен ҳовлининг саҳнасида тўп билан ўйнашаётган ўқувчиларни кўрдим.

Таркиби:

رَأَيْتُ - феъли мозий ўзида أَنَا фоили бор,

فِي - ҳарфи жор,  
 رَأَيْتُ - изофа бўлиб мажрур мутааллағи  
 سَاحَةِ الدَّارِ - мафъули  
 تَلَامِيذَهُ - феъли музореъ ўзида  
 هُمْ - фоили бор.  
 يَلْعَبُونَ - жор мажрур мутааллағи  
 بِالْكَرَةِ - га сифат  
 تَلَامِيذَهُ - жумлаи феълияси накра бўлган  
 бўлади. Накра исмга маъно беришда сифатидан  
 бошлаб маъно берилади: "тўп билан ўйнашаётган  
 ўқувчиларни" каби.

Агар накра исм сифати, билан келса унга  
 маърифадек маъно берилади, яъни "ўқувчилар  
 кўрдим" эмас, балки "ўқувчиларни кўрдим" каби.

Эслатма: Агар маърифа исмдан кейин жумлаи  
 феълия келса бу жумлаи феълия ўша маърифа исмдан  
 ҳол бўлади. Масалан:

Дарсимиздаги رَأَيْتُ صَاحِبِي فَرِيدًا يَلْعَبُ فِي الْجَنِينَةِ мен дўстим  
 Фаридни боғчада ўйнаётган ҳолда кўрдим:

Таркиби:

رَأَيْتُ - феъли мозий ўзида أَنَا - фоили бор.

صَاحِبِي - изофа бўлиб мафъул.

فَرِيدًا - صَاحِبِي - дан бадал.

يَلْعَبُ - феъли музореъ ўзида هُوَ - фоили бор

فِي الْجَنِينَةِ - Жор мажрур мутааллағи يَلْعَبُ бўлиб,

فَرِيدًا - жумласи يَلْعَبُ فِي الْجَنِينَةِ дан ҳол.

### 3 - бўлим

#### Ҳол

Ҳол деб фоилнинг ёки мафъулнинг ҳолатини  
 билдирган калимага айтилади.

**Масалан:** شَرِبْتُ الشَّايَ قَائِمًا чойни турган ҳолда ичдим.  
Бу ерда фоилнинг ҳолатини билдирыпти, демак قَائِمًا  
фоилдан ҳол ёки масалан:

شَرِبْتُ الْمَاءَ رَائِقًا сувни тиниқ ҳолда ичдим.

Бу ерда رَائِقًا мафъулнинг ҳолатини билдирыпти  
демак, رَائِقًا мафъулдан ҳол.

Ҳоллар асосан муфрад-накра бўлиб, насб ҳолда  
келади.

Юқоридаги قَائِمًا, رَائِقًا каби.

Жумладаги ҳолни билишлик учун жумланинг  
олдига كَيْفَ сўроғини кўямиз бу сўроққа жавоб бўлган  
калима ҳол бўлади.

**Масалан:** كَيْفَ شَرِبْتُ الْمَاءَ сувни қандай ичдим деб  
сўралса رَائِقًا тиниқ ҳолда, деб жавоб берилади, демак  
رَائِقًا ҳол бўлади.

Ҳол баъзида жумла бўлиб ҳам келади, дарсимиздаги  
يَلْعَبُ жумласи мафъулдан ҳол.

Ҳол ўзбек тилида "иб, аб" кўшимчалари билан ҳам  
келади.

**Масалан:** شَرِبْتُ زَمْزَمَ قَائِمًا - "Замзамни туриб ичдим".

قَرَأْتُ الْقُرْآنَ بَاكِيًا - "Қуръонни йиғлаб ўқидим" каби.

## 16 - Дарс

### Феъли наҳий ҳақида

ذَائِمًا зарф мутааллағи бирор феъл бўлади.

Бўлишсизлик феълларидан бўлган феъли наҳий  
маънода феъли амрнинг маъносини инкор этади.

**Масалан:** феъли амр "бор" деса, феъли наҳий  
"борма" деб инкор қилди.

Феъли нахийни яшашлик учун музореъ феълени олдига лом алиф қўйилади ва феълнинг охири сокин қилинади.

Масалан: **تَلَعَبُ** – **لا تَلَعَبُ** каби.


Таснияларда, жамларда, мухотоб муаннасининг бирлигида феълнинг охири сокин қилиш ўрнига нунлар туширилади.

Масалан: **لا تَلَعَبَا** **لا تَلَعَبُوا** **لا تَلَعَبِي** каби.

Ғойиб - ва мухотаб муаннасининг жамларида бошқа феълларга ўхшаб қолмаслиги учун нунлар тушурилмайди, ўз ҳолича қолади.

Масалан: **لا تَلَعَبْنَ** **لا يَلَعَبْنَ** каби.

### لا تَلَعَبُ ўйнамасин феъли нахийнинг умумий кўриниши





ф/н.маъл.мут.муз.муан. муфрад ўйнамай мен 1 эр.аёл. لَا أَلْعَبُ }  
 ф/н.маъл.мут.муз.муан.жам ўйнамайлик биз кўп эр.аёл. لَا نَلْعَبُ }

МУТАКАЛЛИМ

قَالَ дан кейин келган калима ёки жумла قَالَ нинг "гапирган гапи" бўлади бунга قَوْلٍ مَّقُولٍ дейилади. дарсимиздаги لَا تَلْعَبُوا жумласи يَقُولُ нинг гапирган гапи бўлганлиги учун قَالَ дан قَوْلٍ مَّقُولٍ деб ўтилади.

## 17 - Дарс

### Сифати мушаббаҳа ҳақида

Бажарувчи томонидан бажариладиган феъллардан исми фоил ясалади.

Масалан:

Ёзувчи - كَاتَبَ ← ёзди - كَتَبَ  
 Ўқувчи قَرَأَ ← ўқиди قَرَأَ  
 Кетувчи ذَاهَبَ ← кетди ذَاهَبَ каби.

Бажарувчининг иш-ҳаракатига дахлдор бўлмаган, бажарувчининг кўлидан келмайдиган феъллардан яъни, бир ҳолат ва табиий сифатларга далолат қиладиган феъллардан "сифати мушаббаҳа" ясалади. Дарсимиздаги كَبِيرٌ صَغِيرٌ طَوِيلٌ قَصِيرٌ лар сифати мушаббаҳалардир,

Масалан:

катта كَبِيرٌ ← катта бўлди كَبُرَ  
 кичик صَغِيرٌ ← кичик бўлди صَغُرَ

узун طویل ← узун бўлди طُول  
 қисқа قَصِير ← қисқа бўлди قَصْر

Яъни бу амалларни инсон ўз иродаси билан қила олмайди, шунинг учун бу амаллардан сифати мушаббаха олинади.

## 18 - Дарс

### 1 - бўлим

#### Яна оид замир ҳақида

Ҳозирги дарсгача мубтадо билан хабарнинг орасини боғлашлик хабардаги фоил замирнинг мубтадога қайтишлиги билан боғланар эди, бу дарсда хабардаги мафъул замирни мубтадога қайтишлиги сабабли мубтадо билан хабарни орасини боғлашликни ўтамиз. Масалан:

التَّلْمِيذُ الْمَطِيْعُ يُحِبُّهُ مُعَلِّمُهُ

Итоаткор ўқувчини муаллими яхши кўради, деб мубтадони хабардаги мафъул "هُ" замирга қўйиб маъно берамиз. Демак يُحِبُّ даги "هُ" мафъул замир таркибда мубтадога қайтади, натижада мубтадо билан хабарнинг ораси боғланади.


Бирор феълдаги иккита ҳарф бир хил ҳарф бўлса бу феълга مُضَاعَفٌ - музоаф" деб аталади.

Дарсимиздаги يُحِبُّ феъли аслида يُحِبُّ бўлиб унда иккита ب ҳарфи келганлиги учун бу феълга "музоаф" дейилади.

Музоаф бўлган феълни туслашда икки бир хил, ҳарфни бир бирига кириштирилади, бу кириштиришга "идғом" дейилади.

Мозий феълида идғом ғойибни муаннасини жамидан то мутакаллимни жамигача ечилади.

**أَحَبَّ** яхши кўрди феъли мозийнинг умумий кўриниши



Музореъда эса идғомлар фақат ғойиб ва мухотабнинг муаннасининг жамларида ечилади.

Масалан: يُحِبُّنَ تُحِبُّنَ каби.

**2 - бўлим**  
**Феъли нафий**

Бўлишсизлик феълларидан бўлган феъли нафий, маънода феъли музореънинг маъносини инкор қилади. Масалан: Музореъ феълида "уйнайди ёки

ўйнаяпти" деса феъли нафийда "ўйнамайди ёки ўйнамаяпти" деб инкор қилади.

Феъли нафийни ясашлик учун музореъ феълининг олдига лом алиф келтирамиз ва музореънинг ўзига ҳеч қандай ўзгартириш киритилмайди.

Масалан: ўйнамайди لَا يَلْعَبُ ўйнайди يَلْعَبُ каби.

ёки дарсимиздаги لَا يُحِبُّ каби.

### لَا يُحِبُّ яхши кўрмайди феъли нафийнинг умумий кўриниши

ф/нафий маъл. ғойиб муз. муфрод яхшикўрмайди у 1 эр	لَا يُحِبُّ	музаккар	ғойиб
ф/нафий маъл. ғойиб муз. тасния яхшикўрмайди у 2 эр	لَا يُحِبَّانِ		
ф/нафий маъл. ғойиб муз. жам ях. кўрмайди улар кўп эрлар	لَا يُحِبُّونَ		
ф/нафий маъл. ғойиб муан. муфрод яхши кўрмайди у бир аёл	لَا تُحِبُّ	муаннас	
ф/нафий маъл. ғойиб муан. тасния яхши кўрмайди у 2 аёл	لَا تُحِبَّانِ		
ф/нафий маъл. ғойиб муан. жам ях.кўрмайди улар кўп аёллар	لَا يُحِبِّينَ		
ф/нафий маъл. мухот. муз. муфрод яхши кўрмайсан сен 1 эр	لَا تُحِبُّ	музаккар	мухотаб
ф/нафий маъл. мухот. муз. тасния яхши кўрмайсан сен 2 эр	لَا تُحِبَّانِ		
ф/нафий маъл. мухот. муз. жам яхши кўрмайсан сизлар кўп эр	لَا تُحِبُّونَ		
ф/нафий маъл. мухот. муан. муфрод яхши кўрмайсан сен 1 аёл	لَا تُحِبِّينَ	муаннас	
ф/нафий маъл. мухот. муан. тасния яхши кўрмайсан сен 2 аёл	لَا تُحِبَّانِ		
ф/нафий маъл. мухот. муан. жам ях.кўрмайсизлар сиз кўп аёл	لَا تُحِبِّينَ		
ф/нафий маъл. мут. муз.муан. муфр. ях.кўрмайман мен 1 эр.аёл	لَا أُحِبُّ	мутакаллими	
ф/нафий маъл. мут. муз.муан. жам яхши кўрмаймиз кўп эр.аёл	لَا نُحِبُّ		

Демак идғомлар фақат муаннаснинг жамида

لَا تُحِبِّينَ لَا يُحِبِّينَ бўлиб ечилади.

19 - Дарс

Мустақил дарс

جَيِّدًا таркибда таъкид деб ўтилади, таржимада “яхшилаб” деган маъно берилади.

بَاكِرًا - зарфи замон фатха билан мансуб, мутааллиғи бирор феъл бўлади.

مُتَأَخَّرًا - зарфи замон фатха билан мансуб, мутааллиғи бирор феъл бўлади.

20 - Дарс

1-бўлим

Ўнликлар жами ҳақида

عِشْرُونَ ва унинг шериклари яъни 30,40,50 ва 90 гача бўлган ўнликлар жами музаккар солимдан бўлиб, яъни рофда وَنْ - га, насб ва жорда эса يَنْ га жамланган бўлиб кўринсада, биз бу рақамларни жами музаккар солимдан деб билмаймиз, чунки жами музаккар солимда иккита хусусият бор:

1) жами музаккар солимга ақл эгалари ва уларнинг сифатлари жамланади.

Масалан: عَالِمُونَ عَالِمِينَ, مُحَمَّدُونَ مُحَمَّدِينَ

2) бирор калимани жами музаккар солимга жамлашлик учун унинг муфрадининг охирига وَنْ ёки يَنْ қўшимчалари қўйилади.

Масалан: مُحَمَّدٌ - مُحَمَّدِينَ - مُحَمَّدُونَ

عِشْرُونَ ва унинг шерикларида бу икки хусусият топилмайди, яъни бу рақамлар ақл эгаларидан эмас ёки бу рақамлар муфрадининг жами эмас, яъни ўзлари алоҳида рақамлардир, ясама эмас.

Лекин бу рақамлар жами музаккар солимнинг қоидасига хилоф равишда шу жамда келади. Жумлада жами музаккар солимдек ўзгаради.

Масалан:

عَشْرُونَ رَجُلًا جاءَ йигирмата киши келди, бу рофда келиши.

رَأَيْتُ عِشْرِينَ رَجُلًا йигирмата кишини кўрдим, бу насбда келиши.

مَرَرْتُ بِعِشْرِينَ رَجُلًا йигирмата кишини ёнидан ўтдим, бу жорда келиши.

## 2-бўлим

### Ясама масдар ҳақида

Биз ўтган дарсларимизда масдарлар бошқа исмлардан фарқланадиган бирор белгига эга эмас деб ўтган эдик. Бу дарсда биз ясама масдарларни ўтамиз, бу масдарлар бошқа исмлардан фарқланадиган белгига эга. Бу масдарни яшашлик учун музореъ феълини олдига "أَنْ" қўшимчаси қўйилади ва феълнинг охири фатхали қилинади.

Масалан:

يَكْتُبُ - ёзпти

أَنْ يَكْتُبَ - ёзмоқлик каби

Феълнинг олдида келган бу أَنْ га "носиб" яъни насб қилувчи, насбни қабул қилган феълга эса "мансуб" деб айтилади.

Демак أَنْ носиба يَكْتُبُ эса мансуба бўлади.

Иккаласи носиб мансуб бўлиб бир масдарга айлангандан кейин жумладаги таркибга қараб хоҳласа мубтадо ёки хабар, фоил ёки мафъул, жор мажрур ва яна бир қанча кўринишларни қабул қилиши мумкин.

Жор мажрур бўлганда **أَنْ** кўшимчаси маҳзуф бўлиб келади.

Масалан: дарсимиздаги **لِيَقْرَأَ**, **لِيَكْتُبَ** лар аслида **أَنْ يَكْتُبَ**, **أَنْ يَقْرَأَ** эди. Таркиб қилишда **ل** ҳарфи жор **أَنْ** носибаси маҳзуф, **يَكْتُبَ** мансуб бўлиб носиб ва мансуба мажрур, мутааллағи бирор феъл бўлади деб ўтамиз.

**أَنْ** носибаси феълнинг қайси сийғасида келса ўша сийғани масдар қилиб айтилади.

Масалан: дарсимиздаги **لِنَشْتَرِي** га сотиб олмоқлигимиз учун деб маъно берилади.

Агар **أَنْ** носибаси феълнинг тасния ёки музаккар жамларда ва мухотаб муаннасининг муфрадида қелса булардаги нунлар туширилади.

Масалан: **أَنْ يَكْتُبَا**, **أَنْ تَكْتُبِي** каби.

Булардаги насб аломати “**ن**” ларни тушиб қолишидир.

Ғойиб ва мухотабнинг муаннасининг жамларида эса нунлар ўз ҳолича қолади.

Масалан: **أَنْ يَكْتُبْنَ**, **أَنْ تَكْتُبْنَ**

## 21 - Дарс

### 1 - бўлим

#### Адад маъдудлар ҳақида

Араб тилида саноққа адад, саналган нарсага маъдуд дейилади.

Масалан: **ثَلَاثَةُ كُتُبٍ** ва **ثَلَاثَةُ أَقْلَامٍ** каби, бу ерда **ثَلَاثَةُ** адад **كُتُبٍ** маъдуд ёки **ثَلَاثَةُ** адад **أَقْلَامٍ** маъдуд бўлади. Иккаласи адад маъдуд бўлиб бир исмга айлангандан кейин таркибга қараб мубтадо, фоил, мафъул, жор

мажрур ва яна бир қанча кўринишларни қабул қилиши мумкин.

3 дан 10 гача бўлган ададларнинг маъдуди жам ва касрали келади, юқоридаги каби.

Агар маъдуд ғойру мунсориф бўлиб  $\frac{1}{n}$  сиз келса ғойру мунсорифлигича қолади, яъни касрани қабул қилмайди.

Масалан:  $\frac{10}{10}$  ва  $\frac{10}{10}$  каби

Агар бу ададларининг маъдуди музаккар келса адад муаннас келади, яъни "о" билан келади.

Масалан:  $\frac{10}{10}$  даги  $\frac{10}{10}$  нинг "о" си каби, бу "о" га "тои таънис" деб аталади.

Агар маъдуд муаннас келса, адад музаккар келади.

Масалан:

$\frac{10}{10}$  даги  $\frac{10}{10}$  каби.

## 2 - бўлим

### Жумлаи исмиянинг жумлани ичида келиши

Ўтган 15-чи дарснииг, 2-чи бўлимида накра исмдан кейин келган жумлаи феълияга маъно беришда "ган" қўшимчаси билан маъно берилишлигини ўтган эдик.

Лекин накра исмдан кейин келган жумлаи исмияга эса "ли" қўшимчаси билан маъно берамиз.

Масалан:  $\frac{10}{10}$   $\frac{10}{10}$

Отам қиймати беш тилло тангади от сотиб олди.

Таркиби:

$\frac{10}{10}$  - феъли мозий

$\frac{10}{10}$  - изофа бўлиб фоили,

$\frac{10}{10}$  - мафъули,

$\frac{10}{10}$  - изофа бўлиб мубтадо,



خَمْسٌ جَنِيهَاتٍ - адад маъдуд бўлиб хабар, мубтадо хабар иккаласи فَرَسًا га сифат.

فَرَسًا - эса накра исм бўлиб сифатга мухтождир.

Биз мубтадони қоидасини ўтганимизда мубтадо ҳеч қачон накра исмдан ясалмаслигини айтиб ўтган эдик.

Лекин накра исм такрор келса маърифаликка яқинлашади ва мубтадоликка ярайди.

Масалан: **وَاجِدٌ وَاجِدٌ اِثْنَانِ** бирга бир икки

Таркиб: **وَاجِدٌ وَاجِدٌ اِثْنَانِ** хабар.

## 22 - Дарс

### Яна адад маъдудлар ҳақида

11 дан 99 гача бўлган ададларнинг маъдуди муфрад накра бўлиб насб ҳолда келади.

Масалан: **عِشْرُونَ كِتَابًا ثَلَاثُونَ تَلْمِيذًا** каби.

عِشْرُونَ ва унинг шерикларига маъдудлари музаккар ёки муаннас келишлигининг эътибори йўқ, яъни бу ададлар музаккар муаннас бўлиб ўзгармайди.

Масалан: **سِتُّونَ امْرَأَةً سِتُّونَ رَجُلًا** каби

Агар **كَمْ** музорий феълени олдида келса мафъул бўлади.

Масалан: **كَمْ يُسَاوِي هَذَا الْفَرَسُ**

Бу от канчага тўғри келади.

Таркиби:

**كَمْ** - мафул,

**يُسَاوِي** - феъли музорий,

هَذَا الْفَرَسُ - мавсуф сифат бўлиб фоили.

واو иштирокида келган мураккаб ададларнинг маъдуди муаннас келса ададининг биринчиси музаккар келади.

Масалан: بِخَمْسٍ وَخَمْسِينَ رُوبِلًا бу ерда маъдуд бўлган خَمْسٍ муаннас, ададнинг биринчиси бўлган رُوبِلًا музаккар келяпти.

Ёки тескариси агар мураккаб ададнинг маъдуди музаккар келса ададнинг биринчиси муаннас келади.

Масалан: بِخَمْسَةٍ وَخَمْسِينَ تَلْمِيذًا

каби.

## 23 - Дарс

### Адад маъдудларга хулоса

11 дан 19 гача бўлган ададларнинг ҳаракати ҳеч бир қоидага тушмаган ҳолда насб ўқилади.

Масалан: خَمْسَةَ عَشَرَ каби.

Бу сонлар катта сонларнинг орасида келса ҳам насб ўқилади.

Масалан: дарсимиздаги مِئَةُ خَمْسَةِ عَشَرَ каби.

Олдинги дарсимизда хабари муқаддамни зарф бўлиб келишини ўтган эдик. Бу дарсда хабари муқаддамни “жор мажрур” бўлиб келишини ўтамыз.

Масалан: فِي الْيَوْمِ أَرْبَعٌ وَعِشْرُونَ سَاعَةً бир кеча кундузда йигирма тўрт соат бор.

Бу ерда فِي الْيَوْمِ жори мажрур мутааллағи كَانَ бўлиб хабари муқаддам, мураккаб адад маъдуд эса мубтадои муаххардир.

99 дан юқори бўлган ададларнинг маъдуди муфрад накра бўлиб касрали келади.

Масалан: **ألف ريشة، مئة كراس** каби.

Яъни, бу санокларда адад маъдудлар изофа кўринишда келади.

Демак адад маъдудлар уч қисмга бўлинади;

1) 3 дан 10 гача бўлган ададлар, буларнинг маъдуди жам ва касрали келади, **ثلاثة كتب** каби.

2) 11 дан 99 гача бўлган ададлар, буларнинг маъдуди муфрад касрали бўлиб, насб ҳолда келади, **عشرون كتابًا** каби.

3) 99 дан юқори бўлган ададлар, буларнинг маъдуди муфрад касрали бўлиб, изофа кўринишида келади **ألف ريشة مئة كراس** каби.

## 24 - Дарс

### Мустақил дарс

## 25 - Дарс

Ҳарфи жорларга жумланинг ҳолатига қараб маъно берилади.

Масалан: **لِلْإِنْسَانِ رَأْسٌ وَاحِدٌ** Бир инсонда битта бош бор.

Демак **ل** ҳарфи жорига фақат "учун" эмас балки "да" кўшимчаси ҳам берилади.

26 - Дарс

Ўзидан олдин келган саволга рад жавобини беришлик учун келган "У" ҳарфига "ҳарфи раддия" деб айтилади, таржимада "йўқ" деб маъно берилади.

Масалан: дарсимиздаги: أَجِبْهُ ۷ ۷ даги ۷ каби, маъноси: йўқ уни яхши кўрмайман.

27 - Дарс

1 - бўлим

Муаннас исмнинг турлари

Араб тилида ҳам бошқа тиллардаги каби, муаннас исм музаккар исмдан маъносидан ажралиб туради.

Масалан: بَقْرَةٌ تُورٌ каби.

Лекин баъзи калималарнинг муаннаслиги улардаги муаннаслик, аломатлари билан ажралиб туради.

Муаннаслик аломатлар 3 хил бўлади.

1- ۵ тои таънис билан келган муаннас исмлар;

масалан: مِخْبَرَةٌ اِمْرَاَةٌ даги "۵" каби

2- алиф мақсура яъни қисқа алиф, масалан: дарсимиздаги يُمْنَى يُسْرَى даги ى шаклидаги алиф;

3- алифи мамдуда яъни чўзиқ алиф.

Масалан: صَخْرَاءُ بَيْضَاءُ каби

Мана шу уч хил белгилардан қайси бири бирор исмда келса бу исмга "муаннас исм" дейилади.

Олдинги дарсимизда инсоннинг тоқ аъзолари-нинг сифатлари музаккар келишини ўтган эдик.

Масалан: дарсимиздаги رَأْسٌ وَّاحِدٌ , أَنْفٌ وَّاحِدٌ , قَمٌّ وَّاحِدٌ лардаги وَّاحِدٌ - каби.

Лекин инсоннинг жуфт аъзоларининг сифатлари муаннас келади.

Масалан: дарсимиздаги **يَدٌ يُمْنَى** , **رِجْلٌ يُسْرَى** , **يُمْنَى** , **يُسْرَى** -лар каби.

## 2 - бўлим

**كُلُّ** нафияси ва **ما** ҳақида

Феълни бўлишсизликка айлантирувчи нафий **لا** си билан наҳий **لا** сини айтиб ўтган эдик. Биз бу дарсда феълни бўлишсизликка айлантирувчи **ما** нафиясини ўтамыз.

Бу "ма" бошқа бўлишсизликка айлантирувчи ҳарфлардан иккита хусусият билан ажралиб туради.

1) Бу "ма" мозий ва музореъ феълени орасида муштаракдир, яъни иккала феълда ҳам бир хил иштирок этади ва феълга ҳеч қандай ўзгартириш киритмайди.

Масалан: **قَرَأَ - مَا قَرَأَ** , **يَقْرَأُ - مَا يَقْرَأُ**

2) "ма" билан феълнинг орасига бир калима тушиши мумкин, масалан: **ما هَذَا ضَرَبْتُ** - "мен бунни-урмадим" каби.

Феълни бўлишсизликка айлантирувчи бошқа ҳарфларда бу икки хусусият топилмайди.

Агар **كُلُّ** изофа бўлиб ёки изофадан ҳоли бўлиб жумлани бошида келса "мубтадо" бўлади.

Масалан: **كُلُّكُمْ مُجْتَهُدُونَ** - ҳар бирингиз ғайратлисизлар

Таркиби:

**كُلُّكُمْ** - изофа бўлиб мубтадо,

**مُجْتَهُدُونَ** - хабар

Агар **كُلُّ** изофа бўлиб жумлани ичида келса ўзидан олдин келган исмни ёки замирни таъкидлаб келади.

Масалан: дарсимиздаги **هَلْ فَهَمْتُمْ الدَّرْسَ كُلُّكُمْ** - ҳар бирингиз дарсни тушундингизларми.

Таркиби:

**هَلْ** - ҳарфи истифҳам, жумла мустафҳам,

**فَهَمْتُمْ** - феъли мозий ўзида **أَنْتُمْ** фоили бор.

**الدَّرْسَ** - мафъули,

**كُلُّكُمْ** - изофа бўлиб **فَهَمْتُمْ** нинг **أَنْتُمْ** фоилига таъкид.

\*\*\*

## 28 - Дарс

### كَيْفَ ва عِنْدَ ҳақида

**كَيْفَ** ҳам **أَيْنَ** каби бирор исмни олдида келса "хабари муқаддам" бўлади, ундан кейин келган исм эса мубтадои муаххар бўлади.

Масалан: **كَيْفَ خَالَكَ** - Аҳволинг қандай?,

**كَيْفَ** - исми истифҳом бўлиб хабари муқаддам,

**خَالَكَ** - изофа бўлиб мубтадои муаххар.

Агар **كَيْفَ** феълни олдида келса ўрнига қараб ҳол ёки мафъул бўлиб келади.

Исми истифҳомлар исм бўлганлиги учун унинг таркиби истифҳом мустафҳам билан тугамайди, юқоридаги **كَيْفَ** лар каби, истифҳомликдан ташқари яна нимадир бўлишлиги шарт.

- **عِنْدَ** ҳеч қачон изофасиз ёлғиз ҳолда учрамайди, у уч хил кўринишида бўлади.

1-Зарфи макон, масалан:

عِنْدَهُ , عِنْدَكَ , عِنْدِي менда, сенда, унда каби.

2- Зарфи замон, масалан:

أَسْكُتُ عِنْدَ وَقْتِ الْخُطْبَةِ - Хутба вақтида жим тур.

3- Жори мажрур, масалан;

جِئْتُ مِنْ عِنْدِ مُعَلِّمِي - Муаллимимнинг олдидан келдим.

عِنْدَكَ مَالٌ كَثِيرٌ - Сенда кўп мол бор.

Таркиби:

عِنْدَكَ - изофа бўлиб зарф мутааллағи كَانَ бўлиб, хабари муқаддам.

مَالٌ كَثِيرٌ - мавсуф сифат бўлиб мубтадои муаххар.

Демак عِنْدَ ни таржима қилишда унга кўроқ فِي, яъни "да" маъноси берилади.

Араб тилида жумлайи дуойялар ёзилишича мозий феълида ёзилади, лекин маъно беришда музорий ёки амр маъносида келади.

Масалан: حَفِظَكَ اللَّهُ - "Аллоҳ сени сақлайди" ёки "Аллоҳ сени сақласин" каби.

Таркиби:

حَفِظَ - феъли мозий

كَ - замир мафъул

اللَّهُ - фоил

## 29 - Дарс

### Отифа ва нуни виқоя

Агар иккита ҳарфи отифа бирга келиб қолса, уларнинг биринчиси "отифа", иккинчиси "зоида" бўлади.

Масалан: **وَلَا أَبَوَاهُ** ва на ота-онаси

Таркиби:

واو - ҳарфи отифа,

لا - зоида,

أَبَوَاهُ - изофа бўлиб маътуф, маътуфун

алайҳ олдинда.

Демак таркибда у зоида бўлсада, таржимада унга "на" деб маъно берилади" ва на ота онаси"даги "на" каби.

"ن виқоя" деб феълнинг охирида келган нунга айтилади. Дарсимиздаги **يَشْكُرُنِي** даги нун каби. Бу нунни феълга келишидан мақсад шуки, агар мафъул бўлган **ي** мутакаллим феълга туташиб келса **يَشْكُرِي** бўлиб, феъл, ўзининг қолипидан чиқиб кетади бу араб тилида мумкин эмас. Феъл ўзининг қолипини йўқотмаслиги учун **ي** мутакаллимни бир **ن** билан бирга келтирамиз, натижада **يَشْكُرُنِي** бўлади, бу билан феълнинг **يَشْكُرُ** кўриниши сақланиб қолади.

Демак бу нун феълнинг чегарасини ҳимоя қилади, шунинг учун бу нунга **ن** виқоя "сақлаш нуни" деб аталади.

### 30 - Дарс

#### Мустақил дарс



\*\*\*

31 - Дарс

Мустақил дарс

\*\*\*

32 - Дарс

Битта мубтадога бир нечта хабар келиши мумкин.

Масалан:

عائشة تلميذة مجتهدة مؤدبة تحبها معلمتها كثيرا

Оиша одобли тиришқоқ ўқувчи қиз. Уни муаллимаси кўп яхши кўради.

Таркиби:

عائشة мубтадо

تلميذة  
مجتهدة  
مؤدبة

мафсуф сифат бўлиб 1чи хабари

تحبها - феъли музореъ ҳа мафъули мубтадога қайтади.

معلمتها - изофа бўлиб, تحب ни фоили

كثيرا - маҳзүф мафъули мутлаққа сифат бўлиб

تحب жумласи عائشة мубтадосига 2чи хабар.

33 - Дарс

1 - бўлим  
Афоли ноқиса

Араб тилида шундай феъллар борки, улар доимо мубтадо хабарни олдида келади ва мубтадони роф, хабарни насб қилиб ўқишликка мажбур қилади ва мубтадони ўзига исм, хабарни эса ўзига хабар қилиб олади.

Бу феълларга "Афъоли ноқисалар" деб аталади.  
Афъоли ноқисаларнинг умумий кўриниши:

كَانَ , أَصْبَحَ , أَضْحَى , ظَلَّ , بَاتَ , أَمْسَى , مَا زَالَ ,  
مَا بَرِحَ , مَا أَنْفَكَ , مَا فَتَيْ , مَا دَامَ , صَارَ , لَيْسَ

Бу феъллар ҳозир мозий кўринишида турибди, лекин музореъ ва бошқа сийғаларида ҳам худди мозийлари каби амал қилади, яъни бошқа сийғалари ҳам мубтадони роф хабарни насб қилиб ўқишликка амал қилади.

Масалан: *يَكُونُ الْبَرْدُ شَدِيدًا* ёки *كَانَ الْبَرْدُ شَدِيدًا*

Совуқ қаттиқ бўлди ёки совуқ қаттиқ бўлади:

Таркиби:

كان ҳам *يَكُونُ* ҳам афъоли ноқиса,

*الْبَرْدُ* - исми,

*شَدِيدًا* - хабари.

Бу жумлаларга афъоли ноқиса киришлигидан олдин *الْبَرْدُ شَدِيدٌ* эди.

2-бўлим

أما ҳақида

أما Араб тилида икки хил бўлади.

1. Шартийя ёки таъкидийя.

2. Тафсилийя.

Шартийя деб жумладаги маънони таъкидлаб келган  
 أَمَّا га айтилади.

Масалан: **أَمَّا خَالِدٌ فَمُسَافِرٌ**

Аммо Холид сафар қилувчидир, яъни Холид аниқ  
 сафарда.

Таркиби:

أَمَّا - шартия таъкидия

خَالِدٌ - мубтадо

ف - жавобия

مُسَافِرٌ - хабари

Тафсилийя деб бир - бирига зид бўлган икки  
 жумлани ўртасида келиб уларни бир - биридан  
 ажратувчи **أَمَّا** га айтилади.

Масалан дарсимиздаги: **كُرَّاسِي نَظِيفٌ وَ أَمَّا كُرَّاسُكَ فَوَسِخٌ**

Дафтарим, тоза ва аммо дафтаринг кир.

Ёки **أَمَّا زَيْدٌ فَرَبِيعٌ** аммо Зайд фойда қилди, демак  
 Зайднинг шериги зиён кўрган.

Шартийяда ҳам тафсилийяда ҳам жавобига **"فَا"**  
 келади ва бу **"فَا"** га жавобийя деб аталади.

Бу икки **"أَمَّا"** дан кейин келган исм кўпинча мубтадо  
 бўлади **"فَا"**дан кейин келган жумла ёки калима хабар  
 бўлади.

Масалан: **وَ أَمَّا كُرَّاسُكَ فَوَسِخٌ**

Таркиби:

وَ - ҳарфи отифа жумла маътуф.

أَمَّا - тафсилийя.

كُرَّاسُكَ - изофа бўлиб мубтадо,

فَا - жавобийя,

وَسَخُّ - хабар.

\*\*\*

### 34 - Дарс

#### Оид замир

Мубтадо билан хабарнинг орасини боғланишининг яна бир кўриниши мажрур бўлган замирнинг мубтадога қайтишлигидир.

Масалан: дарсимиздаги الْحَجْرُ يَنْتُونُ مِنْهُ الْبَيْوتَ тошдан уйларни қурадилар.

Таркиби:

الْحَجْرُ - мубтадо жумла хабар;

يَنْتُونُ - феъли музореъ هم фоили,

مِنْهُ - жор мажрур мутааллағи يَنْتُونُ бўлиб, مِنْهُ даги ۇ замир мубтадога кайтади.

الْبَيْوتَ - мафъули.

Демак "тошдан" деб мубтадони مِنْهُ даги ۇ замирга қўйиб маъно берамиз ва таркибда ۇ замир мубтадога қайтади. Шу қайтишлик сабабли мубтадо билан хабарнинг ораси боғланади.

### 35 - Дарс

#### 1-бўлим

#### Лозим ва мутааддий феъллар

Фоилнинг иш-ҳаракати феълда содир бўлиб унинг таъсири бошқа нарсага ўтмаса, яъни феълдаги иш ҳаракат фоилнинг ўзида қолса бу феълга "ўтимсиз феъл" дейилади.

Араб тилида эса "лозим феъл" дейилади.

Масалан: نَامَ الْوَلِيدُ - Бола ухлади.

Бу ерда "ухлашлик" иш ҳаракати болада содир бўлган ва бошқа нарсага таъсир қилмаган, демак نَامَ феъли лозим феъл экан, яъни мафъули йўқ феъл.

Агар фоилнинг иш-ҳаракати фоилда содир бўлиб унинг таъсири бошқа нарсага ўтса, яъни иш ҳаракат бошқа нарсанинг устида бажарилса бу феълга, "ўтимли феъл" дейилади.

Араб тилида эса "мутааддий" феъл деб аталади.

Масалан: قَطَعَ الْخَادِمُ الْخُبْزَ хизматчи нонни кесди, демак хизматчининг кесиш иш-ҳаракати ноннинг устига тушяпти яъни кесишлик иши ноннинг устида бажариляпти, демак قَطَعَ феъли ўтимли, яъни "мутааддий" феъл экан, яъни мафъули бор феъл.

Мутааддий феъллар уч хил бўлади:

**1. Бир мафъулли**

**2. Икки мафъулли**

**3. Уч мафъулли**

Бир мафъуллига мисол:

قَطَعَ الْخَادِمُ الْخُبْزَ - Хизматчи нонни кесди.

Икки мафъуллига дарсимиздаги мисол:

أَعْطَى الْهَرَّ اللَّحْمَ - мушукка гўшти бер.

Уч мафъуллига мисол:

أَعْلَمْتُ سَعِيدًا جَمِيعَ الْعُلُومِ نَافِعًا

Саидга илмларнинг ҳаммаси фойдали деб уқтирдим.

## 2 - бўлим

### مَاذَا تَصْنَعُ ни таркиби

مَاذَا تَصْنَعُ ни нахвшунослар икки хил кўринишда таркиб килишган.

1- مَا الَّذِي تَصْنَعُ - Сен қилаётган нарсани нима?

Таркиби:

مَا - хабари муқаддам.

الَّذِي تَصْنَعُ - жумласи мубтадои муаххар.

2. أَي شَيْءٍ تَصْنَعُ ёки مَا تَصْنَعُ.

Нима қилаяпсан ёки нимани қилаяпсан? каби

Таркиби:

مَا - мафъул.

أَنْتَ تَصْنَعُ - музориъ мутаъаддий феъл ўзида **أَنْتَ** фоили бор. Биз енгилроқ бўлган иккинчи кўриниш бўйича таркиб қиламиз.

- Яъни **مَاذَا تَصْنَعُ** даги **مَاذَا** ўзидан кейин келган **تَصْنَعُ** мутаъаддий феълига мафъул. **تَصْنَعُ** музорий, ўзида **أَنْتَ** фоили бор.

## 36 - Дарс

### 1-бўлим

#### Исми тафзил

Ўзбек тилида бир шахсинг ёки бир нарсанинг сифати бошқасидан кўра афзал эканлигини англатган сўзга "қиёсий сифат" деб аталади.

Ўзбек тилида "қиёсий сифат" (...роқ, ...дан кўра, нисбатан) кўшимчалари билан ажралиб туради.

Масалан: Саид Аҳмаддан каттароқ.

Бу ерда "каттароқ" қиёсий сифат бўлади.

Араб тилида эса бундай маънони англатган сўзга "исми тафзил" деб аталади.

Араб тилида "исми тафзил" أَكْبَرُ أَصْغَرُ кўринишида келади.

Масалан: هُوَ أَكْبَرُ مِنِّي - У мендан каттароқ.

Исми тафзил кўпроқ مِنْ ҳарфи жори билан келади أَكْبَرُ مِنِّي даги مِنْ каби.

Исми тафзил феълдан ясалганлиги учун жори мажрурга мутааллағликни ўзига қабул килади.

## 2-бўлим

لَمَّا **икки хил бўлади.**

1-Мозий феълини олдида келадиган لَمَّا

2-Музореъ феълини олдида келадиган لَمَّا

1-Мозий феълини олдида келадиган

لَمَّا "حين" каби зарф бўлади, яъни لَمَّا музоф, ундан кейин келган мозий феълини жумласи музофун илайҳ бўлиб зарф мутааллағи кейинги келадиган феъл бўлади.

Масалан: дарсимиздаги لَمَّا أَكَلْنَا خَرَجْتُ أَنَا مَعَ أَبِي إِلَى السُّوقِ

Биз еб бўлгач мен отам билан бирга бозорга чиқдим.

Таркиби:

لَمَّا - музоф, أَكَلْنَا - феъли мозий نَحْنُ фоили бор бўлиб, أَكَلْنَا жумласи музофун илайҳ, иккаласи изофа бўлиб зарф мутааллағи خَرَجْتُ

خَرَجْتُ - феъли мозий ўзида أَنَا фоили бор.

أَنَا - ўша фоилдан таъкид.

خَرَجْتُ - изофа бўлиб зарф мутааллағи مَعَ أَبِي - жор мажрур мутааллағи إِلَى السُّوقِ - жор мажрур мутааллағи бўлади.

Эслатма: لَمَّا нинг мутааллағи бўладиган феъл доимо мозий феъли бўлади. Дарсимиздаги خَرَجْتُ каби. Музореъ феъли кам учрайди.

لَمَّا га кўпроқ "гач" маъноси берилади, юқорида келган لَمَّا أَكَلْنَا биз еб бўлгач каби.

2-Музореъ феълини олдида келадиган لَمَّا бўлишсизлик феълларидан феъли жахднинг маъносини кучайтириб келади.

Масалан: Хеч ҳам урмади لَمَّا يَضْرِبُ - урмади لَمْ يَضْرِبْ

### 37 - Дарс

#### عند ما ҳақида

عند ما даги "ما" га масдария деб аталади. Бу ерда عند-музоф, ما ва феъл жумласи музофун илайҳ, зарф, бўлиб, бирор феъл мутааллиқ бўлади.

Масалан: дарсимиздаги: أَلْبَسْتُهَا عِنْدَ مَا أَذْهَبُ إِلَى الْمَدْرَسَةِ

Мен уни мадрасага бораётган вақтда кияман. Демак "ما" масдарияси أَذْهَبُ феълини "бораётган" қилиб масдарга айлантиряпти, яъни عِنْدَ ذَهَابِي бўлди.

Юқоридаги жумланинг таркиби:

أَلْبَسْتُهَا - феъли музореъ أَنَا фоили.

هَا - мафъули.

عِنْدَ - музоф,

مَا - масдария гўё музореъга келган "أَنْ" каби.

أَذْهَبُ - феъли музореъ أَنَا фоили.

إِلَى الْمَدْرَسَةِ - жор мажрур أَذْهَبُ га мутааллиқ бўлиб жумла мусаддар مَا билан иккаласи масдар мусаддар



бўлиб **عِنْدَ** музофун илайҳ - зарф **الْبَسُ** феълига мутааллиқ яъни боғланувчидир.

**طَاعَةً** **وَسَمْعًا** лар феъллари ҳазф бўлган мафъули мутлақлардир.

Таржимада суҳбатимизда ишлатиладиган истилоҳимиздаги маънони берамиз "хўп бўлади" деб.

Таркиби: **سَمْعًا** - маҳзуф **أَسْمَعُ** феълидан мафъули мутлақ.

واو - ҳарфи отифа,

**طَاعَةً** - маҳзуф **أَطِيعُ** феълидан мафъули мутлақ.

\*\*\*

### 38 - Дарс

#### Мустақил дарс

Мажҳул феълларга маъно берамиз.

### 39 - Дарс

Ҳарфи истифҳомлар жумлада исм билан бирга келсада таржимада феъл билан бирга келади.

Масалан: **أَأَنْتَ وَسَخْتِ هَذَا الْكُرَّاسِ؟**

Сен бу дафтарни кир қилдингми? каби.

Таркиби:

**أ** - ҳарфи истифҳом жумла мустафҳам.

**أَنْتَ** - мубтадо жумла хабар.

**وَسَخْتِ** - феъли мозий **أَنْتَ** фоили бор.

هَذَا الْكُرَّاسِ - мавсуф сифат бўлиб мафъул.

40 - Дарс

"ك" ҳарфи жори ҳақида

Ҳарфи жорлардан "ك" ҳарфи исмга рўбарў келса унинг мутааллағи маҳзуф *يُشَبِّهُ* бўлади ва "ك" га ҳарфи ташбех деб аталади.

Масалан: *يَنْضَجُ الْأَثْمَارُ كَالْبُرْتُقَالِ* Апелсинга ўхшаш мевалар пишади.

Таркиби:

*يَنْضَجُ* - феъли музореъ

*الْأَثْمَارُ* - фоили

*كَالْبُرْتُقَالِ* - жор мажрур мутааллағи маҳзуф *يُشَبِّهُ* бўлиб *الْأَثْمَارُ* га сифат.

\*\*\*

41 - Дарс

إِذَا шартия ва зарфия

*قَطُّ* доимо зарф замон бўлиб келади, мутааллағи бирор феъл ёки феълга ўхшаш калималар бўлади.

Таржимада "ҳеч ҳам" деб маъно берилади.

Агар *إِذَا* шартийя бўлиб келса жавобига "فَا" қелади.

Масалан: *إِذَا أَرَدْتَ أَنْ تَكُونَ رَجُلًا عَالِمًا فَاجْتَهِدْ فِي دَرْسِكَ كَثِيرًا*

Агар сен олим киши бўлмоқликни' хоҳласанг дарсингда кўп ғайрат қил.

Таркиби:

إِذَا - шартийя

أَرَدْتَ - феъли шарт мозий أَنْتَ фоили бор.

أَنْ - носиб, تَكُونُ мансуб бўлиб, мафъул

تَكُونُ - афъолу ноқиса أَنْتَ исми бор,

رَجُلًا عَالِمًا - мавсуф, сифат бўлиб хабари,

فَ - إِذَا га жавобийя

اجْتَهَدَ - феъли амр ўзида أَنْتَ фоили бор,

فِي دَرَسِكَ - жор, мажрур мутааллағи اجْتَهَدَ дир,

كَثِيرًا - маҳзүф мафъули мутлаққа сифат.

Агар إِذَا нинг жавобига "فَا" келмаса إِذَا зарф бўлади.

Масалан: اَلْبَسَ الدَّفَاءَ إِذَا كَانَ الْيَوْمُ بَارِدًا

Кун совуқ бўлган вақтда пальтони кий.

Таркиби:

اَلْبَسَ - феъли амр ўзида أَنْتَ фоили бор,

الدَّفَاءَ - мафъули

إِذَا - музоф

كَانَ - афъоли ноқиса

الْيَوْمَ - исми

بَارِدًا - хабари бўлиб كَانَ ни жумласи музофун илайх, зарф, мутааллағи اَلْبَسَ дир.

قَرِيبٌ дан кейин مِنْ ҳарфи жори келса унга "дан" эмас балки "га" маъноси берилади.

Масалан: بَيْتِي قَرِيبٌ مِنَ السُّوقِ "Уйим бозорга яқин" каби.

42 - Дарс

**Мафуълни мубтадога айланиши**

Биз ҳолнинг қоидасини, ўтганимизда ҳол муфрад накра бўлиб насб ҳолда келишини айтиб ўтган эдик.

Масалан: **قَانِمًا رَانِقًا** каби.

Лекин баъзида ҳолнинг маърифа бўлиб келиши ҳам учрайди.

Масалан: дарсимиздаги **وَحْدِي وَحْدَكَ وَحْدَهُ** каби.

Агар икки мафулли феъллар мажхул қилинса биринчи мафул ноиби фоил бўлади, иккинчи мафул мафуллигича қолади.

Масалан: **هَذَا التَّلْمِيذُ يُسَمَّى مَحْمُودًا** "Бу ўқувчи Маҳмуд деб номланади" бу жумла мажхул бўлишидан олдин.

**يُسَمَّى الْمُعَلِّمُ هَذَا التَّلْمِيذَ مَحْمُودًا**

"Муаллим бу ўқувчини Маҳмуд деб номлайди" кўринишида бўлиши мумкин эди, яъни мажхул қилинганда фоил тушурилади ва биринчи мафул ноиби фоил бўлиб мубтадога айланади, иккинчи мафул мафуллигича қолган.

**يُسَمَّى هَذَا مَحْمُودًا** бу ерда **هَذَا** мубтадо, **أَحْمَدَ** эса маҳзүф феълига мафул бўлиб жумла **هَذَا** га хабар.

Демак аслида **هَذَا يُسَمَّى أَحْمَدًا** эди.

43 - Дарс

Феъли жахд ҳақида

Бўлишсизлик феълларидан яна бири "феъли жахд".  
 Феъли жахд музореъ фелидан ясалсада, мозий  
 феълени маъносини инкор қилади.

Масалан: ёзмади **لَمْ يَكْتُبْ** - ёзди **كَتَبَ**

Феъли жахдни яшашлик учун музореъ феъли олдиға  
 "لَمْ" қўшимчаси қўшилади ва феълнинг охири сокин  
 қилинади.

Масалан: **لَمْ يَكْتُبْ** - **يَكْتُبُ** каби.


Таснияда, музаккарнинг жамида ва муаннас  
 мухотабанинг муфрадида сокин қилиш ўрнига нунлар  
 тушурилади.

Масалан: **لَمْ يَكْتُبَا لَمْ يَكْتُبُوا لَمْ تَكْتُبِي لَمْ تَكْتُبُوا**

Муаннасининг жамларида нунлар ўз ҳолича қолади.

Масалан: **لَمْ يَكْتُبْنَ لَمْ تَكْتُبْنَ** каби.

**لَمْ يَكْتُبْ** ёзмади феъли жахднинг умумий  
 кўриниши



ф/жахд маълум мухот. муз. муфр ёзмадинг сен 1 эр.	لَمْ تَكْتُبْ	музаккар	мухотаб
ф/жахд маълум мухот. муз. тасния ёзмадинг сен 2 эр.	لَمْ تَكْتُبَا		
ф/жахд маълум мухот, муз жам ёзмадинг.кўп эр.	لَمْ تَكْتُبُوا		
ф/жахд маъл. муфрад ёзмадинг сен 1 аёл.	لَمْ تَكْتُبِي	муаннас	мухотаб
ф/жахд маъд.мухот. муан. тасния ёзмадинг сен 2 аёл.	لَمْ تَكْتُبَا		
ф/ж.маъл,мухот, муан. жам ёзмадинг сизл. кўп аёл.	لَمْ تَكْتُبْنَ		
ф/ж маъл.мутак.муз/муан. муфрад ёзмадим мен 1 эр.аёл	لَمْ أَكْتُبْ	мутакаллим	
ф/ж маъл.мутак.муз/муан. жам ёзмадик бйз кўп эр аёл	لَمْ نَكْتُبْ		

## 44 - Дарс

### لَيْسَ ҳақида

Афъоли ноқисалардан لَيْسَ ҳам мубтадо ва хабарни олдида келади.

Агар لَيْسَ нинг хабарига ۚ ҳарфи жори келса, бу ۚ зоида бўлади.

Масалан: هُوَ لَيْسَ بِغَنِيٍّ у бой эмас.

Таркиби:

هُوَ - мубтадо, жумла хабар,  
لَيْسَ - афоли ноқиса ўзида هُوَ исми бор.

ۚ - зоида,

غَنِيٍّ - хабар. Демак غَنِيًّا деб эътибор қиламиз.

لَيْسَ - нинг хабарига ۚ ҳарфи жорини келишидан мақсад لَيْسَ нинг манфийлигини кучайтириш учундир. Демак, таркибда зоида бўлсада таржимада амал қилади.

Масалан:

هُوَ لَيْسَ بِغَنِيٍّ - У ҳеч ҳам бой эмас каби.

45 - Дарс

أظُنُّ ҳақида

أظُنُّ афъоли қулуб, яъни қалбада ишлатиладиган феъллардандир. Бу феъллар икки мафъулли феъллардан. Булар кўпинча мубтадо хабарни олдида келиб, мубтадони биринчи мафъул, хабарни эса ўзига иккинчи мафъул қилиб олади.

Масалан: дарсимиздаги **أظُنُّ فِي الْخِزَانَةِ** бу аслида **أظُنُّ** кирмасдан олдин **فِي الْخِزَانَةِ** эди яъни мубтадо хабар эди.

أظُنُّ кирганидан кейин, мубтадо бўлган **هُوَ** ҳазф бўлган, натижада **أظُنُّ فِي الْخِزَانَةِ** кўринишини олган.

Таркиби:

أظُنُّ - феъли музорий **أَنَا** фоили бор.

**فِي الْخِزَانَةِ** - жор мажрур мутааллағи **كَانَ** бўлиб маҳзуф **هُوَ** мубтадога хабар, мубтадо хабар эса **أظُنُّ**га икки мафъул ўрнига ўтади. Демак аслида **أظُنُّ فِي الْخِزَانَةِ** эди.

46 - Дарс

كَمْ ва унинг таркибини ўзгариши

**كَمْ** - бу қалам кимники?

Таркиби: **كَمْ** - жор мажрур мутааллағи **كَانَ** бўлиб, хабари муқаддам, **هَذَا الْقَلَمُ** - мавсуф сифат бўлиб, мубтадои муаххар.

**مِنْ فَضْلِكَ** биздаги "илтимос марҳамат қилиб" маъносига тўғри келади.

Масалан: *إِخْلُقْ شَعْرِي مِنْ فَضْلِكَ* илтимос марҳамат қилиб сочимни олиб қўйинг.

КМ исми истифҳомлардан бўлиб, ўта мубҳам жуда ноаниқ калималардандир. КМ ўзининг ноаниқлигига аниқлик киритувчи бир ажратувчи калимага мухтож, бу "тамйиз" ажратувчи калима муфрад бўлиб насб ҳолда келади.

Масалан: *كَيْتَابًا* даги *كَيْتَابًا قَرَأْتَ* "қанча китоб ўқидинг" каби.

Мана шу тамйиз калима КМ нинг жумладаги таркибини ҳал қилади, яъни КМ нинг таркиби мана шу тамйизга қараб ўзгариб боради.

1. Агар КМ ва тамйиздан кейин ёки КМ дан кейин лозим феъл келса КМ мубтадо бўлади.

Масалан: *كَمْ طَالِبًا حَضَرَ* - қанча ўқувчи ҳозир бўлди ёки *كَمْ حَضَرَ* қанча ҳозир бўлди.

Таркиби:

КМ - мубтадо

طَالِبًا - тамйиз, жумла хабар

حَضَرَ - феъли мозий ўзида *هُوَ* фоили бор мубтадога қайтади.

2. Агар КМ ва тамйиз дан кейин зарф ёки жор мажрур келса КМ мубтадо бўлади.

Масалан: *كَمْ طَالِبًا فِي الْمَدْرَسَةِ* ёки *كَمْ طِفْلًا عِنْدَكَ*

Мадрасада қанча ўқувчи бор. Сенда қанча бола бор?

Таркиби:

КМ - мубтадо

طِفْلًا طَالِبًا - тамйиз.

فِي الْمَدْرَسَةِ - жор мажрур, мутааллағи *كَانَ* бўлиб, хабар



عِنْدَكَ - изофа бўлиб, зарф мутааллағи كان бўлиб, хабар

3. Агар **كَمْ** ва тамйиз дан кейин мутааддий феъл келса **كَمْ** мафъул бўлади.

Масалан: **كَمْ كِتَابًا قَرَأْتَ** қанча китоб ўқидинг?

Таркиби:

**كَمْ** - мафъул

**كِتَابًا** - тамйиз

**قَرَأْتَ** - феъли мозий ўзида **أَنْتَ** фоили бор.

4. Агар **كَمْ** нинг тамйизи **مِيْلًا** каби зарф бўлса **كَمْ** зарфи макон бўлади.

Масалан: **كَمْ مِيْلًا سِرْت** қанча километр юрдинг.

Таркиби:

**كَمْ** - зарф мутааллағи **سِرْت** дир.

**مِيْلًا** - тамйиз

**سِرْت** - феъли мозий **أَنْتَ** фоили бор.

5. Агар **كَمْ** нинг тамйизи **سَاعَةً** каби зарф бўлса **كَمْ** “зарфи замон” бўлади.

Масалан: **كَمْ سَاعَةً قَرَأْتَ** қанча соат ўқидинг?

Таркиби: **كَمْ** - зарф, мутааллағи **قَرَأْتَ** дир.

**سَاعَةً** - тамйиз

**قَرَأْتَ** - феъли мозий ўзида **أَنْتَ** фоили бор.

6. Агар **كَمْ**нинг тамйизи феълига ўхшаш бўлса ёки феълининг маъносига ўхшаш бўлса **كَمْ** мафъули мутлақ бўлади.

Масалан: **كَمْ ضَرْبَةً ضَرَبْتَ** қанча уришлиқда урдинг?

Таркиби:

**كَمْ** - мафъули мутлақ,

**ضَرْبَةً** - тамйиз,

**ضَرَبْتَ** - феъли мозий ўзида **أَنْتَ** фоили бор.

7. Агар **كَمْ** ва тамйиз дан-кейин маърифа исм келса ёки маърифага музоф исм келса **كَمْ** хабари муқаддам бўлади.

Масалан: **كَمْ قِيَمَةً رَأَيْتَكَ** ойлигинг қиймат жиҳатидан қанча.

Таркиби: **كَمْ** - хабари муқаддам  
**قِيَمَةً** тамйиз

**رَأَيْتَكَ**-изофа бўлиб мубтадои муаххар.

Баъзида юқоридаги каби жумланинг тамйизи хазф бўлибкелади.

Масалан: дарсимиздаги **كَمْ رَأَيْتَكَ** ойлигинг қанча?

Таркиби:

**كَمْ** - хабари муқаддам,

**رَأَيْتَكَ** -изофа бўлиб мубтадои муаххар.

8. Агар **كَمْ** ҳарфи жор билан келса.

Масалан: **بِكَمْ إِشْتَرَيْتَ** - каби мажрур бўлади.

Таркиби:

**بِكَمْ** - жор мажрур, мутааллағи **إِشْتَرَيْتَ** дир.

**إِشْتَرَيْتَ** - феъл, мозий, ўзида **أَنْتَ** фоили бор.

## 47-Дарс

### Мустақил дарс

48-Дарс

1-бўлим

Мавсула ҳақида

Араб тилида зарф билан феълни ёки исм билан феълни орасини боғлайдиган калимага “мавсула” деб аталади, яъни боғловчи дегани.

Бу боғловчи калималар араб тилида бир неча хилдир. Мавсуладан кейин кўпроқ феъл келади, бу феълга “мавсуланинг силаси” деб аталади.

Мана шу феълдан бир замир мавсулага қайтишлиги керак. Мавсула ва сила бир исмга айлангандан кейин хоҳласа мубтадо, хабар, фоил, мафъул, жор мажрур, музофун илайх бўлиб келади, сифат бўлиши кўпроқ учрайди.

Мавсулалар икки хил бўлади.

**Умумий ва хусусий**

Умумий мавсуласига "ما" мавсуласи киради.

Бу мавсулага ҳайвонлар ва уларнинг сифатлари, маърифа, накра, муфрад, тасния, жам, музаккар, муаннаслар ҳаммаси келаверади.

Ҳамма нарсага умумий келганлиги учун "ما" мавсулага умумий мавсуласи деб аталади.

Хусусий мавсуланинг ўзи иккига бўлинади:

1. الَّذِي мавсуласи 2. مَنْ мавсуласи;

1. الَّذِي мавсуласида музаккар муаннаслик, муфрад тасния жамлик хусусияти бўлганлиги учун, бошқа мавсулалардан ажралиб туради ва бу мавсула фақатгина ақл эгаларига ва уларнинг сифатларига келади.

الَّذِي мавсуласининг умумий кўриниши:

الَّذِي	الَّذِي	муфрад
الثَّانِ	الَّذِي	тасния
الْوَاتِي	الَّذِينَ	жам

### Муаннас музаккар

2. مَنْ мавсуласи الَّذِي каби хусусий мавсуласига кирсада бунда музаккар муаннаслик, муфрад, тасния, жамлик хусусияти йўқ, фақат مَنْ кўриниши бор холос.

Лекин бу مَنْ мавсуласи ҳам الَّذِي каби фақатгина ақл эгаларига ва уларнинг сифатларига келади, шунинг учун ҳам у хусусийга қўшилган.

Мавсулаларга таржима қилишда кўпроқ "ган" қўшимчаси берилади.

Масалан: дарсимиздаги

أَنَا الَّذِي أَعَلَّمُ هَذَا التَّلْمِيذَ Мен бу ўқувчига таълим берадиган кишиман" даги "ган" каби.

Таркиби:

أَنَا - мубтадо

الَّذِي - мавсула

أَعَلَّمُ - силаси, أَنَا фоили бор мавсулага қайтади.

هَذَا التَّلْمِيذَ - мавсуф сифат бўлиб Аَعَلَّمُ га мафъул.

Мавсула силалари билан бир бўлиб أَنَا мубтадосига хабар. Агар мавсуланинг силаси Аَعَلَّمُ каби музореъ феъли бўлса музореъ маъно берилади.

Юқоридаги таълим берадиган каби.

Агар мавсуланинг силаси мозий феъл бўлса унга мозий маъно берилади. Масалан: дарсимиздаги

أَنَا الَّتِي خَطَّتْ هَذَا اللَّبَاسَ - Мен бу либосни тиккан аёлман. каби.

Мавсуланинг таржимасидаги "аёлман" ёки "кишиман" деган сўзлар الَّتِي خَطَّتْ الَّذِي Аَعَلَّمُ дан чиқади.

## 2 – бўлим

### Агар исм ва хабарнинг ўрни ўзгарса

Агар афъоли ноқисаларнинг хабари жори мажрур ёки зарф бўлиб келса исмидан олдин келади.

Масалан: дарсимиздаги

يُقَالُ لِلرَّجُلِ الَّذِي لَيْسَ لَهُ زَوْجَةٌ عَدْبًا

Унда аёли йўқ бўлган кишига бўйдоқ дейилади.

Таркиби:

يُقَالُ феъли музореъ мажхул,

ل-ҳарфи жор

الرَّجُلِ-мавсуф

الَّذِي-мавсула

لَيْسَ-силаси бўлиб афъоли ноқиса

لَهُ-жор мажрур мутааллағи كَانَ бўлиб ЛИС га хабар

زَوْجَةٌ - ЛИС га исм бўлиб, мавсула сила,

الرَّجُلِ - га сифат, мавсуф, сифат

ل - га мажрур, мутааллағи يُقَالُ бўлиб, ноибни фоил,

عَدْبًا – يُقَالُ га мафъул.

Демак لَيْسَ бўлиб ЛИС нинг хабари исмидан олдин келяпти .

Агар афъоли ноқиса исмининг ўрни ўзгарса, яъни ўз ўрнидан бошқа ерда келса, бундай ҳолда афъоли ноқиса музаккар ҳам муаннас ҳам келиши мумкин.

Дарсимиздаги لَيْسَ нинг исми زَوْجَةٌ бўлиб муаннас келсада, ўз ўрнида келмаганлиги учун لَيْسَ музаккар келган, لَيْسَتْ эмас.

49-Дарс

**Мубтадо хабар силага айланиши**

Бу дарсда ما мавсуланинг силаси мубтадо ва хабар бўлиб келишини ўтамиз.

Масалан: дарсимиздаги مِنْ الْحَيَوَاتِ مَا هُوَ أَهْلِيَّ хайвонлардан хонакиси бор.

Таркиби: مِنْ الْحَيَوَاتِ - жор мажрур мутааллағи كان бўлиб, хабари муқаддам.

ما - мавсула,

هُوَ - мубтадо,

أَهْلِيَّ - хабар бўлиб сила.

Мавсула ва сила мубтадои муаххар.

Ёки масалан:

الطُّيُورُ مِنْهَا مَا هُوَ أَهْلِيَّ مِثْلُ الدَّجَاجَةِ - Қушлардан товуққа ўхшаш хонакиси бор.

Таркиби:

الطُّيُورُ - мубтадо

مِنْهَا - жор мажрур мутааллағи كان бўлиб, хабари муқаддам,

ما - мавсула, هُوَ - мубтадо,

أَهْلِيَّ - хабар бўлиб, мубтадо хабар сила, мавсула сила مِنْهَا га мубтадои муаххар, хабари муқаддам мубтадои муаххар الطُّيُورُ га хабар, مِثْلُ الدَّجَاجَةِ калимаси أَهْلِيَّ га сифат.

50-Дарс

**Бу дарсда ҳам мавсуланинг силаси мубтадо ва хабар бўлиб келади.**

Масалан: الْفَوَاكِهُ الَّتِي تُؤْكَلُ مِنْهَا مَا هُوَ حُلُوٌّ كَالْتُّفَاحِ وَالْعِنَبِ

Ейиладиган хўл мевалардан олмага ва узумга-  
ўхшаган ширини бор.

Таркиби:

الفَوَاكِهُ - мавсуф,

الَّتِي - мавсула,

تُؤَكَّلُ - силаси هِيَ ноиби фоили мавсулага қайтади.

Мавсула ва сила الفَوَاكِهُ га сифат, мавсуф ва сифат  
мубтадо.

مِنْهَا - жор мажрур мутааллағи كان бўлиб хабари  
муқаддам

ما - мавсула

هُوَ - мубтадо

حُلُوٌ - хабар, мубтадо ва хабар сила, мавсула ва сила  
мубтадои муаххар. Энди хабари муқаддам ва мубтадои  
муаххар الْمُؤَكَّلُ الفَوَاكِهُ الَّتِي تُؤَكَّلُ мубтадосига хабар.

كَالتُّفَّاحِ - жор мажрур мутааллағи маҳзуф يُشْبِهُ феъли  
бўлиб حُلُوٌ га сифат.

واو - ҳарфи атифа

العَنْبِ - маътуф, маътуфун алайх التُّفَّاحِ дир.

## 51-Дарс

### 1 - бўлим

#### Афъоли шуруъ ҳақида

Бирор бир феълнинг иш-ҳаракатни бошлаганини  
яъни фоил бир ишга киришаётганлигини ифода

қилувчи феълга "афъоли шуруъ" дейилади. Афъоли шуруънинг исми ва хабари бўлади хабарига доимо музорий феъли келади.

Масалан: дарсимиздаги **أَخَذَ يَقْرَأُ** ўқий бошлади.

Таркиби:

**أَخَذَ** - афъоли шуруъ ўзида **هُوَ** исми бор жумла хабар.

**يَقْرَأُ** - феъли музореъ ўзида **هُوَ** фоили бор.

Афъоли шуруъларнинг баъзилари қуйидагилар:

**أَخَذَ, جَعَلَ, شَرَعَ, طَفِقَ**

## 2 - бўлим

**إِذْنٌ** - икки хил кўринишда бўлади.

1. **إِذْنٌ**

2. **إِذَا**

**إِذْنٌ** - аслида **إِذَا كَانَ الْأَمْرُ كَذَلِكَ** жумласидан эваз, яъни "Агар иш шундай бўлса" дегани.

Таркибда "ҳарфи ийжоб" деб ўтилади.

Таржимада "ундай бўлса" ёки "демак" деган маънолар берилади.

**إِذْنٌ** кўпроқ уч хил ҳолатда келади.

1. Агар жумла **إِذْنٌ** билан бошланган бўлса ва **إِذْنٌ** дан кейин музореъ келса бундай ҳолда **إِذْنٌ** музореъ феълени насбли қилади.

Масалан: **أَنَا أَزُورُكَ غَدًا** "Мен сени эртага зиёрат қиламан" деган кишига эшитувчи. **إِذْنٌ أُخْرِمَكَ** деб жавоб қилади, яъни "ундай бўлса мен сени меҳмон қиламан" дегани.

Таркибда:

**إِذْنٌ** - ҳарфи ижоб

**أُخْرِمَ** - феъли музореъ ўзида **أَنَا** фоили бор,



ك - замири муттасил феълга ёпишган замир бўлиб, мафъул.

مَقُولٌ قَوْلٌ دَانَ إِذْنٌ أُكْرِمُكَ - жумласи маҳзуф

2. Агар **إِذْنٌ** жумланинг бошида келмаса,, яъни **إِذْنٌ**дан олдин бирон калима келса, **إِذْنٌ** ўзидан кейин келган музореъ феълени насбли қила олмайди.

Масалан: **أَنَا إِذْنٌ أُكْرِمُكَ** Мен демак сени хурмат қиламан" каби.

Кўриб турганимиздек **أَنَا** мубтадосидан кейин келган **إِذْنٌ** ўзидан кейин келган музореъ феълени насбли қила олмади. Таркибда:

**أَنَا** - мубтадо

**إِذْنٌ** - ҳарфи ижоб жумла хабар

**أُكْرِمُ** - феъли музореъ ўзида **أَنَا** фоили бор. Мубтадога қайтади.

ك - замир муттасил бўлиб мафъул

3. Баъзида **إِذْنٌ** жумлани ўртасида келиб **إِذْنٌ** дан кейин музореъ феъли келмайди.

Масалан:

**إِنَّهُمْ إِذْنٌ مِّثْلَهُمْ** – Улар демак уларнинг ўзидир.

Таркиби:

**إِنَّ** - ҳурфу мушаббаҳати бил феъл.

**هُمْ** - исми.

**إِذْنٌ** - ҳарфи ижоб

**مِثْلَهُمْ** - изофа бўлиб **إِنَّ** га хабар.

Демак **إِذْنٌ** уч хил ҳолатда келади.

1. Феъли музореъни насб қилади,
2. Феъли музореъни насбли қилмайди.
3. Феъли музореъсиз исмга келади.

إِنَّ ни кейинги дарсда тушунтирамиз.

قَالَ дан кейин келган **واو** зоида бўлади.

Масалан: дарсимиздаги **قَالَتْ وَ لِمَاذَا** даги **واو** зоида.

## 52-Дарс

### 1-Бўлим

#### أَيُّ нинг турлари

كَتَبَ شَاكِرُ بْنُ عَارِفٍ - "Орифнинг ўғли Шокир"ни ёзди.

Таркиби:

كَتَبَ феъл мозий, ўзида **هُوَ** фоили бор.

شَاكِرُ - мавсуф

أَنَا изофа бўлиб сифат, мавсуф сифат мазуф **أَنَا** мубтадосига хабар.

Демак аслида **كَتَبَ أَنَا شَاكِرُ بْنُ عَارِفٍ** эди, яъни "Мен Орифнинг ўғли Шокирни ёзди.

Мубтадо ва хабар жумласи **كَتَبَ** га мафъул.

---

أَيُّ исми истифҳом бўлиб "қайсиниси" деган маънони англатади. Муаннаси **أَيُّ** дир.

أَيُّ кўпроқ уч хил ҳолатда келиши учрайди.

1. Агар **أَيُّ** дарсимиздаги каби бирор исмга ёки замирга музоф бўлса таркибнинг барча кўринишларини қабул қилади.

أَيُّ الْحَيَوَانَاتِ - да **أَيُّ** исмга музоф бўлган.

أَيُّهُمْ - да **أَيُّ** замирга музоф бўлган.

Масалан: أَيُّ الْحَيَوَانَاتِ أَحَبُّ إِلَيْنَا - "Ҳайвонларнинг қайсиниси бизга яхшироқ".

Таркиби:

أَيُّ الْحَيَوَانَاتِ - изофа бўлиб мубтадо.

أَحَبُّ - хабар

إِلَيْنَا - жори мажрур мутааллағи أَحَبُّ дир.

2. Агар أَيُّ дан кейин иккита феъли музореъ келса, **إِنْ** шартийяси каби икки музореъ феълини сокинли қиладиган шартийялардан бўлади.

Масалан: أَيُّهُمْ يَكْرِمُنِي أَكْرَمُهُ "Уларнинг қайсиниси мени ҳурмат қилса мен уни ҳурмат қиламан".

Таркиби:

أَيُّهُمْ - изофа бўлиб шартийя.

يَكْرِمُ - феъли шарт **هُوَ** фоили бор.

نِي - замири муттасил мафъул.

أَكْرَمُهُ - жавоби шарт **أَنَا** фоили бор. **هُ**-замири муттасил мафъул.

3. Баъзида **أَيُّ** калимаси "هَا" танбеҳ билан бирга келиб **يَا** нидосига мунодо бўлади.

Масалан: يَا أَيُّهَا النَّاسُ каби. **أَيُّ** нинг мавсула бўлиб келиши ҳам бор. У кейинги китобимизда келади.

## 2 - бўлим

### إِنْ ҳақида

Араб тилида шундай ҳарфлар борки, уларнинг исми ва хабари бўлади, улар мубтадо ва хабарни олдида келади ва мубтадони ўзига исм, хабарни эса

ўзига хабар қилиб олади. Ва мубтадони насб, хабарни эса роф қилиб ўқишликка мажбур қилади.

Масалан: **إِنَّ زَيْدًا عَالِمٌ** "Албатта Зайд олимдир."

Бу жумлага **إِنَّ** киришлигидан олдин **عَالِمٌ** эди.

Бу ҳарфлар феълга ўхшаганлиги учун "феълга ўхшаш ҳарфлар" дейилади. Яъни "хуруфу мушаббаҳати бил феъл"

Таркиби:

**إِنَّ** - хуруфу мушаббаҳати бил феъл.

**زَيْدًا** - исми.

**عَالِمٌ** - хабари.

Хуруфу мушаббаҳати бил феълни умумий кўриниши.

**إِنَّ أَنْ كَأَنَّ لَيْتَ لَعَنَّ**

**إِنَّ** га туташиб келган **ل** ҳарфи жорига "сабабия" деб аталади.

Таржимада "сабабли" ёки "чунки" деган маънолар берилади.

**إِنَّ** - Доимо жумланинг бошида келади.

**أَنَّ** - Доимо жумланинг ўртасида келади.

**أَنَّ** - жумлада исми хабари билан фоил ёки мафъул ёки жор мажрур бўлиб келади.

Масалан: дарсимиздаги

**فَظَنَّ أَنَّهُ كَلَبٌ آخَرُ فِي فَمِهِ قِطْعَةٌ لَحْمٍ**

"Албатта у оғзида гўштнинг бир парчаси бўлган бошқа ит эканлигини гумон қилди."

Таркиби:

**ظَنَّ** - афъолу қулуб, феъли мозий ўзида **هو** фоили бор.

**أَنَّهُ** - хуруфу мушаббаҳати бил феъл **هـ** исми.

**كَلَبٌ آخَرُ** - мафсуф сифат бўлиб **أَنَّ** га хабар.

**فِي فَمِهِ** - изофа бўлиб жор мажрур мутааллағи маҳзүф бўлиб хабари муқаддам.

قِطْعَةٌ لَحْمٍ - изофа бўлиб мубтадои муаххар.

- хабари муқаддам мубтадои муаххар **كَلْبٌ** га иккинчи сифат. **أَنَّ** - исми хабари билан **ظَنَّ** га икки мафъул ўрнига ўтади.

### 3 - бўлим

#### Холга хулоса

Биз ўтган дарсларимизда ҳолни уч хил кўринишини айтиб ўтдик.

1. **رَأَيْتَا** каби муфрад накра бўлиб насб ҳолда келиши.

2. **يَلْعَبُ** каби жумлаи феълийя бўлиб келиши.

3. **وَخَدِي** каби изофали маърифа бўлиб, келишини ўтган эдик. Биз бу дарсда ҳолни жумлаи исмийя бўлган

4 - чи кўринишини ўрганамиз.

Агар ҳол жумлаи исмийя бўлиб келса жумлани олдида "واو" ҳарфи келиши шарт. Бу **واو** га "вов ҳолия"деб аталади.

Масалан: дарсимиздаги **وَ فِي فِيهِ قِطْعَةٌ لَحْمٍ** - "Оғзида гўштнинг бир парчаси бўлган ҳолда".

Таркиби:

**واو** - ҳолия. **فِي فِيهِ** - изофа бўлиб жори мажрур мутааллағи **كان** бўлиб хабари муқаддам.

**قِطْعَةٌ لَحْمٍ** - изофа бўлиб мубтадои муаххар бўлиб жумлаи ҳолия.

## МУНДАРИЖА

Махмудхон Усмон домланинг “Мабдаъул эъроб” китобига тақриз .....	3
<b>Муқаддима</b> .....	5
<b>1 - Дарс.</b> 1 – бўлим. Ҳарфдан то жумлагача.....	9
2 – бўлим. Мубтадо ҳақида .....	10
3 – бўлим. Мубтадо ва роф, насб, жор ҳақида.....	11
4 – бўлим. Истифҳом ҳақида .....	13
5 – бўлим. Феъл ва фоил ҳақида .....	14
6 – бўлим. Мафъул ҳақида .....	15
<b>2 - Дарс.</b> 1 – бўлим. Изофа ҳақида .....	16
2 – бўлим. Зарф ва оид замир ҳақида.....	17
3 – бўлим. Жор мажрур ҳақида.....	18
<b>3 - Дарс.</b> 1 – бўлим. $\text{من}$ истифҳомияси ҳақида .....	19
<b>4 - Дарс.</b> 1 – бўлим. Мафъул ва мунодо ҳақида.....	20
Жумланинг яна бир бошқа кўриниши .....	21
2 – бўлим. Мавсуф сифат ҳақида.....	21
<b>5 - Дарс.</b> Мустақил дарс .....	23
<b>6 - Дарс.</b> Замирлар ҳақида.....	23
<b>7 - Дарс.</b> 1 – бўлим. $\text{بَعْدَ قَوْل}$ ҳақида.....	26
Сўроқлар яъни истифҳомлар иккига бўлинади.....	27
2 – бўлим. Ҳари отифалар.....	28
<b>8 - Дарс.</b> Мустақил дарс .....	29
<b>9 - Дарс.</b> 1 – бўлим. Масдар ва мозий, музорий феъллари ҳақида.....	29
2 - бўлим. Амр феъллини ясаш .....	31
3 - бўлим. Мажхуллик нисбати .....	33
<b>10 - Дарс.</b> Фосила ҳақида .....	36
Тамйиз ҳақида .....	37
<b>11 - Дарс.</b> Мафуъли мутлақ ҳақида.....	37
<b>12 - Дарс.</b> Жам .....	38
<b>13 - Дарс.</b> Бадал мубдал минху ҳақида .....	40
<b>14 - Дарс.</b> 1 – бўлим. Ҳарфи шартия ҳақида.....	41
2- бўлим. Махзуф калималар ҳақида .....	43
<b>15 - Дарс.</b> 1 – бўлим. Зарф ва накра исм ҳақида .....	44
2-бўлим. Жумланинг турлари ва уларнинг кўлланиши ҳақида.....	45
3 - бўлим. Ҳол .....	46
<b>16 - Дарс.</b> Феъли нахий ҳақида .....	47
<b>17 - Дарс.</b> Сифати мушаббаҳа ҳақида.....	49
<b>18 - Дарс.</b> 1 – бўлим. Яна оид замир ҳақида .....	50
2 - бўлим. Феъли нафий .....	51
<b>19 - Дарс.</b> Мустақил дарс .....	53
<b>20 - Дарс.</b> 1 - бўлим. Ўнликлар жами ҳақида.....	53

	2 – бўлим. Ясама масдар ҳақида.....	54
21 - Дарс.	1 – бўлим. Адад маъдудлар ҳақида.....	55
	2 – бўлим. Жумлаи исмиянинг жумлани ичида келиши.....	56
22 - Дарс.	Яна адад маъдудлар ҳақида.....	57
23 - Дарс.	Адад маъдудларга хулоса.....	58
24 - Дарс.	Мустақил дарс .....	59
25 - Дарс.	.....	59
26 - Дарс.	.....	60
27 - Дарс.	1 – бўлим. Муаннас исмнинг турлари .....	60
	2- бўлим. ما нафияси ва كُلُ ҳақида .....	61
28 - Дарс.	كَيْفَ ва عِنْدَ ҳақида.....	62
29 - Дарс.	Отифа ва нуни виқоя .....	63
30 - Дарс.	Мустақил дарс .....	65
31 - Дарс.	Мустақил дарс .....	65
32 - Дарс.	Битта мубтадога бир нечта хабар келиши мумкин.....	65
33 - Дарс.	1 – бўлим. Афоли ноқиса .....	66
	2 – бўлим. أَمَّا ҳақида.....	66
34 - Дарс.	Оид замир .....	68
35 - Дарс.	1 – бўлим. Лозим ва мутааддий феъллар .....	68
	2 – бўлим. مَاذَا تَصْنَعُ ни таркиби.....	70
36 - Дарс.	1-бўлим. Исми тафзил .....	70
	2 – бўлим. لَمَّا икки хил бўлади.....	71
37 - Дарс.	عند ما ҳақида .....	72
38 - Дарс.	Мустақил дарс. Мажхул феълларга маъно берамиз. ....	73
39 - Дарс.	.....	73
40 - Дарс.	"ك" ҳарфи жори ҳақида .....	74
41 - Дарс.	إِذَا шартия ва зарфия.....	74
42 - Дарс.	Мафуълни мубтадога айланиши .....	76
43 - Дарс.	Феъли жажд ҳақида .....	77
44 - Дарс.	لَيْسَ ҳақида .....	78
45 - Дарс.	أَظُنُّ ҳақида.....	79
46 - Дарс.	كَمْ ва унинг таркибини ўзгариши .....	79
47 - Дарс.	Мустақил дарс .....	82
48 - Дарс.	1 – бўлим. Мавсула ҳақида .....	83
	2 – бўлим. Агар исм ва хабарнинг ўрни ўзгарса .....	85
49 - Дарс.	Мубтадо хабар силага айланиши .....	86
50 - Дарс.	Бу дарсда ҳам мавсуланинг силаси мубтадо ва хабар бўлиб келади.....	86
51 - Дарс.	1 – бўлим. Афъоли шуруъ ҳақида .....	87
	2 – бўлим. إِذَنْ-икки хил кўринишда бўлади.....	88
52 - Дарс.	1-бўлим. أَيُّ нинг турлари .....	90
	2 – бўлим. إِنَّ ҳақида .....	91
	3 – бўлим. Холга хулоса .....	93